

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS  
TA‘LIMI VAZIRLIGI**

**AJINIYOZ NOMIDAGI NUKUS DAVLAT PEDAGOGIKA  
INSTITUTI**

**5141100 - o‘zbek tili va adabiyoti bakalavr**

**ta‘lim yo‘nalishi bitiruvchisi**

**MADRAXIMOVA NILUFARNING**

**ONA TILI DARSLARIDA O‘QUV TOPSHIRIQLARI USTIDA  
ISHLASHDA IJODIY FAOLIYATNI SHAKLLANTIRISH USULLARI**

**mavzusidagi**

**BITIRUV - MALAKAVIY ISHI**

**NUKUS – 2018**

Malakaviy bitiruv ishi O‘zbek tili kafedrasi yig‘ilishining 2018-yil «\_\_\_»  
\_\_\_\_\_dagi №\_\_ bayonnomasi bilan himoyaga tavsiya qilindi.

Fakultet dekani:

f.f.n. A. //////////////

Kafedra mudiri:

p.f.n. Sh.Yuldasheva

Ilmiy rahbar:

p.f.n.Sh.Bo’ronova

Bitiruvchi:

**MAVZU: Ona tili darslarida o'quv topshiriqlari ustida ishlashda ijodiy faoliyatni shakllantirish usullari**

**REJA:**

**KIRISH**

**I BOB. ONA TILI DARSLARIDA O'QUVCHILARNI IJODIY FIKRLASHGA O'RGATISHNING NAZARIY VA AMALIY ASOSLARI**

- 1.1 Ona tili ta'limidan kutiladigan maqsad va vazifalarning ta'limiy asoslari
- 1.2. Ijodiy topshiriqlar-o'quvchi tafakkurini o'stiruvchi didaktik omil
- 1.3. So'z boyligi-ijodiy faoliyat vositasi

**II BOB. TA'LIM JARAYONIDA JODIY FAOLIYATINI SHAKLLANTIRISHGA QARATILGAN METODLARNING TIPOLOGIYASI**

- 1.1 Ta'lim oluvchilarni faollashtirishning ahamiyati
- 1.2 Oquvchilarda ijodiy faoliyatni oshirishga qaratilgan metodlar

**III. BOB. Ijodiy faoliyatni shakllantirishga qaratilgan o'quv topshiriqlarining metodik ta'minotini takomillashtirish**

**Xulosa**

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

## KIRISH

Istiqlol davri umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-9-sinflari uchun yangi mazmun va yangi yozuvda «Ona tili» darsliklari yaratildi. Bu darsliklar mazmunan va didaktik jihatdan amaldagi (sho'rolar davrida yaratilgan) darsliklardan ancha farq qiladi. Bu farq O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi tomonidan qabul qilingan ona tilidan ta'lim konsepsiyasi bilan uzviy bog'liqdir. Demak, 5-sinf «Ona tili» darsligining mazmuni mazkur konsepsiyaning ta'lim jarayoni, ta'lim vositalari oldiga qo'ygan vazifalarni hal qilishga qaratilgan. Bu bir. Ikkinchidan, ona tili o'qitishdan ko'zlangan bosh maqsadga erishmoqning ma'rifiy-didaktik imkoniyatlari rang-barang mashqlar tizimi-o'quv topshiriqlarida mufassal ko'rsatilgan. Ular darslikning «Kirish», «Muqaddima» va «Izchil kurs» deb nomlangan bo'limlarida til sathlari bo'yicha 5-sinf dasturi hajmida amaliy o'zlashtirilishi ona tilidan DTS taqozasi bo'lgan nazariy bilimlar qariyb 600 ta mashqda ko'p topshiriqli, ya'ni rango-rang faoliyatga undovchi o'quvchi tafakkurini o'stirishga xizmat qiluvchi, mustaqil fikrlash va ijodkorlikka o'rgatuvchi ijodiy o'quv topshiriqlaridir.<sup>1</sup>

Bu o'quv topshiriqlarining bosh didaktik maqsadi ijodiy tafakkur sohbini, ya'ni ijodkor, tadbirkor, mustaqil fikr yurita oladigan yoshlarni tarbiyalab voyaga etkazishga qaratilgan. Ayni ma'noda yangi darslik behad didaktik imkoniyatlarga ega.

Bular darslikda berilgan til va so'zlash adobiga doir maqol va hikmatli so'zlar (2-mashq), ayrim unli yoki undoshlariga ko'ra ma'noda farqlanuvchi so'zlar ustida ishlash e va i, o, va a, u va o': tur-to'r, urish-urush; berilgan so'zlardagi undoshlarni almashtirish: ep-el-em; x-h undoshli so'zlar yozish ularning ma'nosini sharhlashni talab qiluvchi ijodiy topshiriqlar (4,5,6,7,8-mashqlar), turli mavzularda matnlar yaratish, insho yozish, suhbat matni tuzish kabilarni taqozo qiluvchi o'quv topshiriqlaridir. Masalan, darslikning 10-11, 24, 34, 61-62 va 100-betlarida

---

<sup>1</sup>Uzviylashtirilgan Davlat ta'lim standarti va o'quv dasturi. Ona tili. Toshkent – 2010

berilgan jami 10 ta rasm asosida turli mavzularda matn yaratish (17, 18, 19, 56, 86, 155, 245-mashqlarning talabi).

Fikrimizcha, bu o'quv topshiriqlarning ijrosi evaziga o'quvchining og'zaki va yozma nutqi rivojlanadi, imloviy ko'nikmalari takomillashadi, nihoyat, mustaqil ijodiy faoliyat ko'rsatish iqtidori o'saboradi: Bular shubhasiz, darslikning didaktik imkoniyatlari benihoya jkanligining dalilidir. (Mazkur faoliyat turlari ishning maxsus o'rinlarida mufassal sharhlanadi).

Ayni haqiqat darslikda, birinchidan, berilgan jami 299 ta mashqlarning darslik bo'limlariaro joylashtirilish me'yori va tartibi bilan statistik jihatdan isbotlanadi. Masalan, darslikning «Kirish», «Takrorlash» qismlari uchun 17 ta mashq berilgan. (Darslik, 5-10 b.). «Muqaddima» deb nomlangan qismning birinchi bo'limida 70 ta mashq berilgan (Darslik, 11-35-b.), shu qismning ikkinchi bo'limida 75 ta mashq berilgan (Darslik. 36-67-bet). «Ona tilining izchil kursi» deya nomlangan bo'limida 136 ta mashq-o'quv topshiriqlari berilgan. Ikkinchidan, rang-barang maxmunli rasmlar asosida kichik hikoya tuzish, manzara tavsiriga bag'ishlangan insholar yozish, suhat matni yaratish (42,43,86), SHarqona testlarni echish (160-161) kabi ijodiy tafakkurni o'stiradigan faoliyat turlarini talab qiluvchi didaktik imkoniyatlarining behadligi bilan ham oldingi darsliklardan farq qiladi. Uchinchidan, mazkur topshiriqlar echimida ta'lim jarayoni sub'ekti faoliyatining samarasi ularni o'rgatish jarayoni boshqaruvchisi bo'lmish o'qituvchidan noan'anaviy darslar tashkil qilish: darsda musobaqa usuli, grammatik o'yinlar, topqirlar bellashuvi kabilardan foydalanishdan yangi tadrus usulini qo'llashni shart qilib qo'yganligi bilan ham sho'ro davri darsliklari mshaqlaridan tubdan farq qiladi. Zero, bu darslik O'zbekiston Respublikasinnng «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» talab va maqsadlariga muvofiq ravishda o'quvchida *ijodiylik, mustaqil fikrlash malakalarini chuqurlashtirish, ijodiy fikr mahsulini nutq sharoitiga mos ravishda og'zaki va yozma shakllarda to'g'ri, ravon ifodalash ko'nikmalarini shakllantirishga qaratilgan.*

*Ushbu darslik o'quvchiga ta'lim jarayonining sub'ekti, o'qituvchiga esa o'rgatish jarayonining boshqaruvchisi sifatida yondoshishi, tahlildan qonuniyatga, xususiylikdan umumiylikka qarab borishi, grammatik materialni yordamchi vosita sifatida-imlo, talaffuz, tinish belgilarni to'g'ri qo'llash qoidalarini o'zlashtirish vositasi deb baholashi bilan oldingi darsliklardan farq qiladi.*

Bu holat darslik mazmunida yaqqol naomyon bo'ladi.

Lingvo statistik va didaktik imkoniyatlari jihatidan tasnifu tahlil qilinayotgan 5-sinf «Ona tili» darsliging mundarijasi uning «Muqaddima va «Izchil kurs» deb nomlangan bo'limlarida 5-sinf o'quvchilari o'rganishi lozim bo'lgan DTS taqozasida tuzilgan dastur hajmida umumdidaktik prinsipda berilgan.

Darslik mundarijasida nazariy va amaliy ma'lumotlar bosqichli ketma-ketlik, shakl bilan mazmun aloqadorligi, til sathlarining o'zaro zich bog'lig'i umumdidaktik tamoyili asosida berilgan bo'li, ular asosan darslikning quyidagi ikki bo'liiga joylashtirilgan. Darsning birinchi bo'limi bo'lmish «Muqaddima» mualliflar tomonidan darslikka juda o'rinli kiritilgan.

CHunki «Muqaddimi» o'quvchiga *so'z, uning tarkibi gap, kesim, ixcham gap, ega, sodda yig'iq gap, hol to'ldiruvchi, aniqlovchi gap qoliplri, so'z birikmalari, uyushiq bo'laklar, undalma, qo'shma va ko'chirma gaplar haqida umumiy tushunchalar berishga mo'ljallangan.*

Ikkinchi chorakning boshida o'quvchilarga leksikologiya va morfologiyaning eng muhim tushunchalari: so'zning maxnosi, o'z va ko'chma ma'no, maxnodosh, uyadosh va zid ma'noli so'zlar, qo'shimchadosh so'zlar, o'zakdosh so'zlar, mustaqil va yordamchi so'z turkumlari, o'zak, qo'shimcha, so'z o'zgartuvchi va so'z yasovchi qo'shimchalar haqida dastlabki zaruriy ma'lumotlar beriladi.

Ta'kidlash joizki, «Muqaddima deb nomlangan bu bo'lim ona tilining izchil kursini o'rganish jarayonida o'quvchilarning (jumladan, 5-sinf o'quvchilarining ham) tildan yaxlit bir tizim sifatida foydalanish, matn ustida ishlash, fonetik leksik, morfologik hodisalarni, bu hodisalarning o'z yashash sharoitida bog'lanishli

nutqda qo'llash imkoniyatini beradi. Ma'lumki, bitta eng oddiy yig'iq sodda gapda ham tilning fonetik, leksik, morfologik va sintaktik qurilishining mohiyati aks etgan bo'ladi. SHuning uchun ona tilining o'quvchilar nutq malaqalarini rivojlantirishga xizmat qiluvchi izchid kursi uchun bunday kirish o'ta zarurdir»

Mazkur malakaviy ish mavzusi ana shunday mustaqil ijodiy fikrlashga yo'naltiruvchi jihatlari bilan usuliy-didaktik jihatdan muhim ahamiyatga molikdir. Zero, darslikda «Zukkolik o'yini», «Toshiriqlar bellashuvi», «Bahri bayt», «Musobaqa usuli» kabi darsning zamonaviy shakllaridan ham namunalar, ularni qanday tashkil qilish xususida usuliy tavsiyalar ham berilgankim, shubhasiz, ular hali kam tajribali o'quvchilar uchun nazariy-metodik jihatdan asqatadi.

**Mavzuning dolzarbligi.** Tanlangan mavzu, birinchidan, ona tili darslari jarayonida 5-sinf o'quvchilarida ijodiylik, mustaqil fikrlash, ijodiy fikr mahsulini nutq sharoitiga mos ravishda, ya'ni berilgan mavzu taqozasida og'zaki, yozma shakllarda to'g'ri, ravon ifodalash ko'nimklarani ishakllantirish va rivojlantirishning didaktik omillariga bag'ishlanganligi bilan dolzarb muammodir. Ikkinchidan, tadqiqotda nutqiy ko'nikmalarni hosil qilish, ya'ni o'z fikrini matn tarzida bayon etishga ustuvor o'rin berilganligi bilan hozirgi kun ona tili darslarida ustuvor o'rin beriladigan muhim masalalardan biridir.

Zero, maktabda ona tili ta'limining bosh maqsadi savodlilik, savodli og'zaki va yozma nutq, fikrni lo'nda va maqsadga muvofiq shaklda ifodalay olish malakasini tarkib toptirishdan iborat.

Uchinchidan, tanlangan mavzu sharhida ona tilini o'qitishda shakldan ma'noga emas, manodan kelib chiqib unga muvofiq shaklni izlashga undovchi ijodiy mashqlarga alohida diqqat-etibor qaratilishining ta'kidlanganligi, bular xususida usuliy tavsiyalar bayon qilinishi jihatlari bilan didaktik jihatdan o'ta dolzarb muammodir.

**Mavzuni o'rganishning ahamiyati,** avvalo, ona tili mashg'ulotlarining samarali o'tishini ta'minlovchi o'quv topshiriqlari echimiga sub'ekt faoliyatini yo'naltirishda bilim berish jarayonini maqsadga mos tadrus usulini tanlashda namoyon bo'ladi. Qolaversa, o'quvchining ijodiy fikrlash uchun didaktik

xarakterdagi grammatik o'yinlar ijrosida darsni qiziqarli tashkil qilishda yaqqol ko'rinadi.

**Muammoning o'rganilganlik darajasi.** Zamonaviy ta'limda o'quv materiali faqat darslikdan iborat emas. Zero, bugungi ona tili ta'limi jamiyat taraqqiyoti uchun kuzatuvchi, no'noq tomoshabinni emas, balki o'z oldiga izlanuvchan, ijodiy fikrlay oladigan, muloqot madaniyatini puxta egallagan mustaqil fikrlaydigan shaxslarni tarbiyalashni maqsad qilib qo'ygan. Hozirgi kunda ta'lim jarayoniga turli yangi pedagogik texnologiyalar ham tatbiq qilinmoqda. Ilmiy tadqiqotlar natijasida bir qator o'quvchini faollikka undovchi yangi tipdagi mashq va topshiriqlar tizimi ishlab chiqilib, amaliyotda sinab ko'rilmogda. Ishning «Kirish» qismida 5-sinf «Ona tili» darsligining mazmuni, «Ona tili» fanini o'qitish oldiga qo'yilgan bosh maqsadga erishuvda uning didaktik ahamiyati, mashqlar-o'quv topshiriqlarining darslik bo'limlari aro statistik tasnifi beriladi. SHuningdek, mazkur darslikning mundarijasi xususida ba'zi qaydlar, o'quvchini ijodiy fikrlashga undovchi darslik topshiriqlari tavsiflandi.

**Tadqiqotning ilmiy yangiligi.** Mazkur bitiruv ishining ilmiy yangiligi quyidagilarda ko'rish mumkin:

- maxsus fonetik mashqlar umumta'lim maktab va akademik litsey miqyosida ilk marotaba alohida tadqiqot sifatida o'rganildi;
- umumta'lim maktablarida fonetika o'qitish orqali boshqa nutqiy malakalarni ham baravar shakllantirish mumkinligi asoslandi.
- Fonetik mashqlar orqali o'quvchilarda mustaqil fikrlashni shakllantirish mumkinligi ta'kidlandi;
- Darsliklardagi mashq va topshiriqlar tahlil qilinib, munosabat bildirildi.

**Tadqiqotning obe'kti va predmeti.** Umumta'lim maktablarining 5-sinf ona tili darsliklari, mavzuga doir matnlar tadqiqotning obe'kti, ulardagi fonetik mashq va o'quv topshiriqlari ishning predmeti etib belgilandi.

**Ishning maqsadi va vazifalari.** Bitiruv ishining asosiy maqsadi darslik va qo'llanmalarda mashq va topshiriqlarning berilishi va tarkibini tahlil qilish, ona tili



darslarida o`quvchilarning ijodiy tafakkurini o`stirishga qaratilgan o`quv topshiriqlarini ishlab chiqish, matn yaratish asosida ijodiy tafakkurni shakllantiruvchi vosita va usullarni yaratish, ishlab chiqishdan ishlab chiqilgan mashq va topshiriqlarning samaradorlik darajasini aniqlashdan iborat.

**Bitiruv ishining metodologik asosi va metodlari.** O`zbekiston Respublikasining birinchi prezidenti muhtaram I.A.Karimovning ta`lim tarbiyaga oid qarashlari, falsafaning umumiylik va xususiylik, yakkalik kategoriyalari, sohaga oid fundamental ishlar ishning metodologik asosini tashkil qiladi. Ishda tasniflash, sistem-struktur, zidlash sinov kabi metodlardan foydalanildi.

**Ishning nazariy va amaliy ahamiyati.** Ishda chiqarilgan xulosalardan kelgusida yana shu yo`nalishda bajariladigan ilmiy ishlarda foydalanish mumkin.

Shuningdek, umumta`lim maktablari va akademik litseylarning ona tili darslarida biz tuzgan yangi tipdagi mashqlardan foydalanishlari mumkin.

**Ishning tuzilishi.** Ish kirish, uch asosiy bob, xulosa, foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati va slaydlardan iborat.

«Ona tili darslarida o`quvchilarni ijodiy fikrlashga o`rgatishning nazariy va amaliy omillari» deya nomlangan birinchi bobda ijodiy fikrlash, o`quvchi tafakkur ko`lamini boyitishning ba`zi qirralari xususida ma`lumot berildi. Ular ixcham gapni kengaytirish, berilgan gap qoliplari, chizmalar asosida gap to`zish kabilar misolida sharhlandi. Nihoyat, bu kabi ijodiy topshiriqlarnng o`quvchi tafakkurini o`stiruvchi didaktik omil ekanligi izohlandi. So`z boyligi ijodiy faoliyat uchun eng zarur vosita ekanligi ko`rsatildi. Buning uchun til sathlari, xususan so`zshunoslikning imkoniyatlari aloshida ta`kidlandi.

«Matn yaratish-ijodiy tafakkurni rivojlantirish omili» deb nomlangan ikkinchi bobda matn yaratish masalasi hozirgi kun ona tili ta`limida ta`lim jarayoni bosh maqsadi ekanligi sharhlanib, uning ijodiy tafakkurni rivojlantirishning asosiy didaktik omili ekanligi ta`kidlandi.

Mazkur bobda ijodiy tafakkurni o`stirish variojlantirishning didaktik omillari sifatida rasm asosida matn yaratish, usullari sifatida darsda vazifasi, o`rni, tashkil qilinish shakllari va tafsiloti haqida ma`lumot berildi.

Ish nihoyasida «Ona tili» darsligi o'quv topshiriqlarining lingvo-didaktik tasnif va tahlili yuzasidan bayon qilingan fikr-mulohazalarimizning umumiy xulosalari berildi.

1.1. Ona tili ta'limidan kutiladigan maqsad va vazifalarning ta'limiy asoslari

Ona tili o'qitish metodikasining predmeti ta'lim berish jarayonida ona tilini egallash, ya'ni til qurilishi qonuniyatlari, til sathlari, ularning o'ziga xos xususiyatlarini bilib olish, og'zaki va yozma nutqni shakllantirish jarayoni hisoblanadi. Ona tilidan ko'nikma va malakalarni shakllantirish, til haqidagi fanning ilmiy tushunchalar sistemasini o'zlashtirish qonuniytlarini o'rganadi, til o'rganishning eng qulay metod va usullarini izlaydi .

Ona tili o'qitish metodikasi amaliy fan sifatida uch vazifani bajaradi:

**1. Nimani o'qitish kerak?** savoliga javob beradi, ya'ni dasturlar ishlab chiqadi, darslik va o'quv qo'llanmalarini yaratib beradi. Ularning samaradorligi va muvofiqligini doimiy tekshirib boradi.

**2. Qanday o'qitish kerak?** savoliga ta'lim berishning metodlari, metodik usullar, mashqlar sistemasi, qo'llanmani tadbiq etish tavsiyanomalarini, yozma ish, amaliy ishlar sistemasini, dars, uning turlarini ishlab javob beradi. **3. Nega aynan mana shunday o'qitish kerak?** Bunda ilmiy nuqtayi nazardan eng foydali metodlarni o'rganish, tanlash, asoslash, tavsiyalarni eksperimental tekshirish vazifalarini bajaradi.

Ona tili o'qitish metodikasi ta'limning turli bosqichlarida o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarini aniqlaydi, o'qishning muvaffaqiyati va kamchiliklarini belgilaydi, sababini izlaydi, uni bartaraf etish usullarini topadi. Nutqiy va orfografik tipik xatolarni tekshiradi, uning oldini olish chora -tadbirlarini belgilaydi<sup>1</sup>.

Ona tili ta'lim tizimining barcha bosqichlarida o'rgatiladi..

Ona tili o'qitish metodikasi fani to'rt bo'limni o'z ichiga oladi:

Savod o'rgatish metodikasi, ya'ni elementar o'qish va yozishga o'rgatish. Bolalarga savod o'rgatish pedagogikadagina emas, balki ijtimoiy hayotda ham juda jiddiy qo'yilgan masalalardandir. Chunki xalqning savodxonligi ozodlik uchun, siyosiy onglik uchun, madaniyat uchun kurash qurolidir. Mustaqil

---

<sup>1</sup>. Tursunov U., Muxtorov J., Rahmatullayev Sh. Hozirgi o'zbek adabiy tili. T., 1992, 59 – bet.

O'zbekiston Respublikamizda har bir kishining savodxon bo'lishiga alohida e'tibor berilmoqda.

O'qish metodikasi. Boshlang'ich sinflarda o'qish predmetining vazifasi birinchi navbatda bolalarni tez (me'yorida), to'g'ri, ongli va ifodali o'qish malakalari bilan qurollantirish hisoblanadi.

Grammatika va imlo metodikasi. Bu bo'lim elementar to'g'ri yozuvga va husnixatga o'rgatish ya'ni, grammatik tushunchalarni, boshlang'ich imlo malakasini shakllantirishni o'z ichiga oladi.

O'quvchilarning bog'lanishli nutq o'stirish metodikasi. Bu bo'lim alohida o'rin tutadi. O'quvchilar tilni, nutqni o'quv predmeti sifatida anglaydilar, ular xohlagan va qiziqarli narsalarnigina emas, balki zaruriy narsa va hodisalar haqida o'ylab, rejali nutq tuzish zarurligini ham tushuna boshlaydilar. Ular o'zining grafik shakli bilangina emas, balki leksikasi, sintaktik va morfologik shakli bilan ham nutqdan farq qiladigan yozma nutqni egallaydilar. Metodika o'quvchilarning nutqini boyitishni, sintaktik va bog'lanishli nutq o'stirishni ham ta'minlashi kerak.

Shuni aytib o'tish kerakki, bog'lanishli nutq maktablarda alohida bo'lim sifatida o'rganilmaydi. U til fanining boshqa bo'limlari bilan bog'langan holda o'rganiladi.

Ona tili o'qitish metodikasining metodologik asosi borliqni bilish nazariyasidir. Ona tili o'qitish metodikasining bosh vazifasi o'quvchilarning o'zbek tili lug'at boyligini to'liq o'zlashtirib olishlarini ta'minlashdir.

Ma'lumki, jamiyatda til kishilar o'rtasidagi aloqaning zaruriy vositasidir. Tilsiz jamiyatning yashashi mumkin emas, tilning aloqa vositasi sifatidagi roli uzluksiz ortib boradi. Til borliqni oqilona, mantiqiy bilish vositasidir. Til birliklari va formalari yordamidagina bilish jarayonida umumlashtirish, tushunchani muhokama va xulosa bilan bog'lash amalga oshiriladi. Til va nutq tafakkur bilan uzviy bog'lanadi. Fikr nutqda shakllanadi va reallashadi. Tilni egallash va nutq o'stirish bilan o'quvchining fikrlash qobiliyati ham o'sadi. Maktabning vazifasi tilni kishilar orasidagi munosabatning rivojlangan nozik quroliga aylantirish hisoblanadi.

Bilish nazariyasiga ko'ra analitik-sintetik ishlar yordamida til ustida kuzatishdan umumiy xulosa chiqarishga, nazariy ta'rif va qoidaga, shular asosida og'zaki va yozma tarzidagi nutqiy aloqaga, to'g'ri yozuv va to'g'ri talaffuzga o'tiladi. O'quvchilar jonli nutqiy aloqaga to'g'ri talaffuz va to'g'ri yozuvni elementar nazariy ma'lumotlar asosida amaliy egallash orqali kirishadilar. Ular til materiallarini kuzatish, tahlil qilish orqali elementar nazariy qoidalar chiqaradilar, o'rgangan, o'zlashtirilgan nazariy qoidalarni amaliyotga ongli ravishda tatbiq etadilar.

Maktabda ona tili o'qitish metodikasining bunday yo'nalishi haqiqatni bilish qonuniyatlariga ham, hozirgi zamon didaktikasi vazifalariga ham mos keladi.

Ta'lim sohasida davlat siyosatining asosiy tamoyillari belgilab berildi. Mazkur ta'lim tamoyillari, ya'ni ta'lim va tarbiyaning insonparvar, demokratik xarakterda ekanligi; ta'limning uzluksizligi va izchilligi; umumiy o'rta, shuningdek, o'rta maxsus kasb-hunar ta'limining majburiyligi; ta'lim tizimining dunyoviy xarakterda ekanligi; davlat ta'lim standartlari doirasida ta'lim olishning hamma uchun ochiqligi; ta'lim dasturlarini tanlashga yagona va tabaqalashtirilgan yondashuv; bilimli bo'lishni va iste'dodni rag'batlantirish; ta'lim tizimida davlat va jamoat boshqaruvini uyg'unlashtirish kabilar, boshqa fanlar qatori, ona tili o'qitish metodikasining ham **vazifalarini** belgilab, aniqlashtirib berdi.

Ona tili ta'limi umumiy o'rta ta'lim olish uchun zarur bo'lgan savodxonlik, bilim va ko'nikma asoslarini shakllantirib beradi. O'z vazifalarini belgilab olishda ta'lim sohasidagi davlat hujjatlariga tayanadi. Keyingi yillarda mustaqillik sharofati bilan ta'limni tubdan isloh qilish davlat siyosatining asosiy yo'nalishiga aylandi. «Ta'lim to'g'risida»gi Qonun va shu asosda yaratilgan «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» buning yorqin dalilidir.

«Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»dan ko'zlangan maqsad ta'lim sohasini tubdan isloh qilish, rivojlangan demokratik davlatlar darajasida, yuksak ma'naviy va axloqiy talablarga javob beruvchi yuqori malakali kadrlar tayyorlash

milliy tizimini yaratishdir. «Kadrlar tayyorlash sohasidagi davlat siyosati insonni intellektual va milliy axloqiy jihatdan tarbiyalash bilan uzviy bogʻliq boʻlgan uzluksiz taʼlim tizimi orqali har tomonlama barkamol shaxsni shakllantirishni nazarda tutadi»<sup>1</sup>

Ona tili oʻqitish metodikasi taʼlim jarayonini tashkil etish shakllari va usullarini yuqoridagi maqsadlarni amalga oshirishga yoʻnaltiradi.

Umumiy oʻrta taʼlim bosqichida taʼlimning yangicha tizimini va mazmunini shakllantirish uchun ham quyidagilar zarur:

-oʻquvchilarning qobiliyatlari va imkoniyatlariga muvofiq ravishda taʼlimga tabaqalashtirilgan yondashuvni joriy etish; - taʼlim berishning ilgʻor pedagogik texnologiyalarini, zamonaviy oʻquv-uslubiy majmualarni yaratish va oʻquv-tarbiya jarayonini didaktik jihatdan taʼminlash.

Milliy dasturdagi taʼlim tizimining yaxlit axborot makonini vujudga keltirish boʻyicha koʻrsatmalar ona tili oʻqitish metodikasining ham oldidagi turgan dolzarb vazifadir: "Zamonaviy axborot texnologiyalari , kompyuterlashtirish va kompyuter tarmoqlari negizida taʼlim jarayonini axborot bilan taʼminlash rivojlanib boradi. Taʼlim jarayonida ommaviy axborot vositalarining mavqei oshib boradi, televidenya va radioning taʼlim dasturlari intellektuallashuvi taʼminlanadi. Fan va taʼlimning nashriyot bazasi rivojlantiriladi, oʻquv-uslubiy, ilmiy, qomusiy adabiyotlar va maʼlumotnomalar bilan taʼminlashning barqaror tizimi shakllantiriladi".<sup>2</sup>

Psixologiya va pedagogika fanlari ham metodikaning metodologik asosi hisoblanadi.

Pedagogik psixologiya kishiga taʼlim va tarbiya berishning psixologik qonuniytlarini oʻrganishni oʻz predmeti deb biladi. U oʻquvchilarda tafakkurning shakllanishini tadqiq qiladi, aqliy faoliyat usullari va koʻnikmalarini oʻzlashtirish jarayonini boshqarish masalalarini oʻrganadi, oʻqitish jarayoning muvaffaqiyatligiga , pedagog bilan oʻquvchilar oʻrtasidagi oʻzaro munosabatlarga va oʻquvchilar jamoasidagi munosabatlarga taʼsir qiluvchi psixologik omillarni ,

---

<sup>1</sup>. Roziqov O. v.b. Ona tili didaktikasi. T.: "Yangi asr avlodi", 2005, 45 – 46 – bet

o'quvchilardagi individual-psixologik farqlarni, psixik rivojlanishda orqada qoluvchi bolalar bilan olib boriladigan ta'lim – tarbiya ishlarining o'ziga xos xususiyatlarini aniqlaydi. Bu bilan pedagogik psixologik metodikaga o'quv materialini tanlashda, ona tilining mazmuni va hajmini o'quv materialini aniqlashda hamda ularni sinflar bo'yicha taqsimlash, muayyan izchillikda joylashtirishda yordam beradi, o'qitishning samarali usul va shakllarini belgilashga, o'quvchilarning analitik-sintetik faoliyatining to'g'ri o'sishiga ko'maklashadi. Metodika psixologiya fani ma'lumotlariga tayanib o'qitishda o'quvchilarning yosh va individual xususiyatlarini hisobga olib yondashish imkoniyatiga ega bo'ladi.<sup>2</sup>

Ona tili o'qitish metodikasi psixolingvistika fani bilan ham uzviy bog'liqdir. Psixolingvistika metodikaga nutq haqida, bayon qilish darajasi haqida, fikr bayon qilish turlarini belgilovchi omillar haqida, «nutqni qabul qilish signallari» apparati haqida, individual munosabatga va ommaviy aloqaga nutqiy ta'sirning foydasi haqida ma'lumot beradi. Bu ma'lumotlar metodik masalalarni hal qilish uchun, ayniqsa, **bog'lanishli nutqni o'stirish metodikasi** uchun juda muhimdir.

Ona tili o'qitish metodikasi **didaktika bilan**, ya'ni ta'limning umumiy nazariyasi bilan ham bog'lanadi. Metodika didaktika belgilab bergan qonuniyatlar, qoida va prinsiplarga asoslanadi. Didaktikaning prinsiplarga, ya'ni o'rganiladigan materialning ilmiyligi va muvofiqligi, til va materialni o'rgatish va mustahkamlashda ko'rsatmalilik, onglillik, bilim, ko'nikma va malakaning puxtaligi, doimiy takrorlash, o'quvchilar bilish faoliyatining aktivligi, mustaqillik, o'qitishni hayot bilan, bolalarning qiziqishlari bilan bog'lab olib borishga rioya qilish maktabda o'qitiladigan barcha predmetlardan, shu jumladan, ona tilidan ham o'qish jarayonini tashkil qilishda juda zarurdir.

Ona tili metodikasi umumiy pedagogika bilan ham o'zaro bog'lanadi.

Maktab ta'limidagi har bir o'quv predmeti, shu jumladan, ona tili ham, faqat bilim berish, ko'nikma va malaka hosil qilish bilangina chegaralanmay, bolaning ongini oshirishi va tarbiyalashi ham lozim. Haqiqatan ham, ona tili o'qitish jarayonida bolalarning dunyoqarashi shakllanadi, bilish qobiliyatlari

o'sadi, ular aqliy, axloqiy, estetik tomondan rivojlanadi, xarakterida ma'lum ijobiy xususiyatlar yuzaga keladi, mehnat qilishga o'rganadi va hokazo.

Pedagogika fani bolalarni har tomonlama rivojlantirish va ularni tarbiyalash masalalarini ilmiy tomondan ishlab beradi. Ona tili o'qitish metodikasi pedagogika fani yangiliklariga, uning yuqorida qayd etilgan masalalarni ilmiy tomondan ishlab bergan ma'lumotlariga asoslanadi.

Ona tili o'qitish metodikasi o'zbek tilini amaliy va ma'lum qismini nazariy egallashni nazarda tutadi, shuning uchun ham lingvistik fanlar (fonetika va fonologiya, leksikologiya va frazeologiya, so'z yasalishi va etimologiya, grammatika – morfologiya va sintaksis, stilistika, shuningdek, orfoepiya, grafika, orfografiya) metodikaning muhim asosi hisoblanadi.

## **1.2. Ijodiy topshiriqlar-o'quvchi tafakkurini o'stiruvchi didaktik omil**

O'quvchi tafakkurini o'stirish UO'T maktablarida ona tili ta'limining asosiy masalalaridan biridir. Bu masalani hal qilishda ijodiy topshiriqlarga ustuvor o'rin beriladi. Bunday topshiriqlar amaliy o'ragitilmoqchi, yoki mustahkamlanmoqchi, nazariy ma'lumot taqozasida mavzusiga mos tanlangan mashqlar tizimi-o'quv topshiriqlaridir. Ular oddiydan murakkabgacha, ma'lumdan noma'lumga, osondan qiyinga yo'naltirish singari pedagogik texnologiyatalablariga ham javob berishi lozim. Masalan, biror lisoniy hodisa haqida xulosa chiqarish: berilgan so'z juftlarida tutuq belgisi, ko'chish belgisining vazifasi haqida aqliy hujum. Biror kichik matn yoki maqolalarning mazmunini sharhlash kabilar: 19-mashq tomchilar haqidagi latifaning mazmuni. Bu matn ustida ishlash o'qituvchining eng samarali didaktik omili hisoblanadi.

Dars jarayonida ijodiy topshiriqlar orqali o'quvchilar til hodisalarini kuzatadilar, qiyoslaydilar, o'xshash va farqli tomonlarini aniqlab, guruhlaydilar. Nihoyat, DTS da ta'kidlanganidek, berilgan materiallar yuzasidan o'qituvchi yordamida hukm chiqariladi.

Tafakkurni o'stiruvchi ijodiy topshiriqlar mazkur muammo yuzasidan maxsus tadqiqot olib borgan olimlarning fikricha, birinchidan, *o'quvchini izlash, qidirish,*



*noma'lumni topishga undashi kerak. Ikkinchidan, muammo murakkablasha borib, o'quvchi aqli, farosatini bosqichma-bosqich rivojlantirib borishi, to'rtinchidan, o'quvchining hukm, xulosa va umumlashma hosililishiga yo'naltirishi lozim. Nihoyat, ish jarayonida o'quvchiga o'zidagi bilimning etarli emasligini anglatishi, yangi bilim olishga undashi zarur.*

Filologiya fanlari nomzodi dotsent Muhammad Saidov bu o'rinda ta'lim jarayoni pirovard natijasi uchun g'oyat to'g'ri xulosaga kelgan.

Ta'kidlash joizki, tilning fonetika, morfologiya, leksikologiya qismlari yuzasidan darslar qoida, ta'rif bilan boshlanmasdan, berilgan gap, so'zlar tahlili bilan boshlanib, bosqichma-bosqich, bir faoliyat usulidan ikkinchi faoliyat usuliga, masalan, kuzatishdan guruhlashga, qiyoslashdan o'xshash va farqli tomonlarini aniqlashga, guruhlashdan umumlashmalar hosil qilish shaklida tuziladi. Bunday mustaqil faoliyat turlari o'rganilayotgan til hodisalarining mohiyatini anglashni osonlashtiradi. O'quvchi bilim, malakani mehnat bilan uqib oladi.

Mabalarda 5-sinf o'quvchilari uchun tafakkurini o'stiruvchi ijodiy mashqlarnig-topshiriqlarning 15 ta turi sanalgan<sup>13</sup>. Ular bizning statistik tasnifu tahlillarimizga ko'ra 5-sinf «Ona tili» darsliging «Muqaddima» va izchil kursida berilgan aksariyat mavzular da qo'llanish mumkin bo'lgan topshiriqlar namunalari sirasiga kiradi.

Mazkur paragrafda ulardan ayrim namunalarni aynan beramiz.

**1-topshiriq.** A) kesimga so'roq berib, egani tiklang o'qidi, ishladi. B) hosil bo'lgan sodda yig'iq gapni kesimdan so'roq berib kengaytiring: Erkin o'qidi. Bolalar ishlashdi. Erkin kitob o'qidi. Bolalar dalada ishlashdi va b.

**2-toshiriq.** Berilgan mustaqil so'zlarni ot, fe'l, sifat, son, ravish, ormosh kabi uyalarga ajrating. Bu uyalarni mustaqil davom ettiring: traktor, haydaydi, o'nta, mardona, bizlar, chiroyli, dada, bu, do'st, bizlar va b.

**3-topshiriq.** Uzum, gul, ko'kat kabi umumiy ma'noli so'zlarning xususiy ma'nosini-uyadoshlarini toping. Namuna: uzumlar: charos, toifi, kelinbarmoq...

---

<sup>13</sup> М.Сайдов Кўрсатилган мақола. 13 – 14 – бетлар

**4-topshiriq.** i-u, a-o, b-p, b-t, z-s tovushlari bilan farqlanuvchi soʻz juftlari hosil qiling.

**5-topshiriq.** Hayvon nomlarini oʻz va koʻchma maʼnolarida qoʻllab, gap juftlari hosil qiling. Namuna:

Ilon zahridan dori tayyorlanadi. Bu ilonlarning orasida yashab boʻlmaydi.

Usuliyotchi olim tavsiya qilgan ijodiy topshiriqlarning qolgan 10 tasi ham 5-sinfda oʻrganiladigan til sathlariga oid darslikda qayd qilingan oʻquv topshiriqlarining didaktik talablariga mos keladi. Ulardan 9, 10-topshiriqlar dars jarayonida ijodiy topshiriqlarni didaktik xarakterdagi grammatik oʻyin tarzida tashkil qilishga tipik namunadir: *Adashgan harflarni joyiga qoʻyish va tovushlarning almashinishi nimalarga olib kelishini tushuntiring:*

It yashaydi okenda, sharpa turar taxmonda.

Palak yozdi bir tovoq koʻtara olmadim biroq.

(kit-it, sharpa-koʻrpa, tovoq-qovoq kabilar).

Xullas, bunday ijodiy topshiriqlarning juda koʻp turlari hozirgi kunda amaliyotga kirib kelmoqda. Tafakkurni rivojlantiruvchi mazkur topshiriqlarni bajarish jarayonida oʻquvchilar yangidan oʻrganilayotgan yoki mustahkamlanayotgan, nazorat qilinayotgan til hodisalarini aqliy faoliyatidan, tafakkur «elagidan» oʻtkazishib, ijodiy faoliyat koʻrsatishlarini bosqichma-bosqich takomillashtira boradilar. Eng muhimi, ularning soʻz boyligi osha boradi. Soʻz boyligi esa mustaqil ijodiy faoliyatning asosiy vositasidir.

### **1.3. Soʻz boyligi-ijodiy faoliyat vositasi**

Oʻquvchi soʻz boyligini oshirish uni ijodiy faoliyat koʻrsatishga oʻrgatishning muhim didaktik omili hisoblanadi. SHuning uchun 5-sinfning amaliyotidagi «Ona tili» darsligidagi oʻquv topshiriqlarida soʻz

boyligini oshirish ustida ishlashga ustuvor o'rin berilgan. Zero, «Ehtiyoj-faoliyatni harakatlantiruvchi kuchdir» (A.G'ulamov).

Darslik topshiriqlarining didaktik imkoniyatlari yo'nalishidagi tahlilidan ma'lum bo'lishicha, uning barcha bo'limlarida berilgan ijodiy ishlarda ijrochidan so'zga zaruriyat talab qilinadi. Xusasan, «Muqaddima» bo'limida hamda izchil kursda so'zshunoslik (leksikologiya)dan berilgan «Uyadosh so'zlar», «Ma'nodosh so'zlar», «Zid ma'noli so'zlar», «SHakldosh so'zlar», «Iboralar», «So'zning o'z va ko'chma ma'nolari», «Mahalliy so'zlar», «Tarixiy so'zlar», «Olinma so'zlar» mavzulari (darslik. 46-56; 97-123-betlar). Ko'proq ehtiyoj talab qiladi. Chunki so'zshunoslikning o'quvchi so'z boyligini oshiruvchi imkoniyatlari benihoya ko'pdir. (Qarang. 118-139-mashqlar talabi).

Bu o'rinda ularning ayrimlarinigina sharhlash bilan kifoyalanamiz.

### **Misollar:**

**1. Uyadosh so'zlar.** Bu mavzuda o'quvchilarning mustaqil ijodiy faoliyati uchun ijodiy ish sifatida 118-119-mashqlar berilgan. 118-mashq namuna sifatida jadvaldan ko'rsatilgan uyabosh so'zlar ro'yxati(qatori)ni davom ettirishni talab qiladi. 119-mashq esa umumiy ma'no anglatuvchi so'zlarning xususiy ma'no ifodalovchi uyadoshlarini topib, uyadosh so'zlar qatorini namunalasiz mustaqil tuzishni talab qiladi.

### **119-mashq.**

#### **Jadval**

<b>Daraxt</b>	<b>Ot (hayvon)</b>	<b>qarindosh-urug'</b>	<b>o'simlik</b>
<b>Tol</b>	<b>Baytal</b>	<b>Ota</b>	<b>Maysa</b>
<b>Qayin</b>	<b>Saman</b>	<b>Ona</b>	<b>Ajriq</b>
.....	.....	.....	.....

119-mashq. Umumiy nom-jins nomini atab kelgan qo'yidagi so'zlarga tur nomlarini atab keluvchi so'zlar topib yozish.

1. Gul. 2. O't. 3. Parranda 4. Kiyim 5. Idish

Bunday mustaqil ijodiy faoliyat ko'rsatish natijasida o'quvchilarda uyadosh so'zlar, ularning turlari, to'dalari va guruhlari haqida tushuncha hosil bo'ladi.

Nihoyat, 120, 121, 122-mashqlar ijrosi orqali umumlashtiruvchi so'zlarda tinish belgilar (ikki nuqta yoki tire bilan ajratilishi), uyadosh so'zlar bilan ifodalangan uyushiq bo'laklarning sanash ohangi bilan o'qilishi, ularning orasiga vergul qo'yilishi kabi zaruriy nazariy ma'lumotlarni izlanish, qidirish kabi aqliy faoliyat natijasida mustaqil raivshda bilib oladilar.

Nihoyat, 122-mashqda bu bilim, ko'nikma va malakalar mustahkamlanadi, amaliy sinofdan o'tadi. O'qituvchi yordamida «Uyadosh so'zlar deganda bir jinsdagi narsa, belgi harakatning har xil ko'rinishlarini atovchi so'zlar qatori tushuniladi» degan umumlashma xulosa chiqariladi.

Ayni maqsadda darsdikda «Bilib oling», esda tuting» ko'rsatkichlarida berilgan ikkita ma'rifiy matnlarni o'qish, ular yuzasidan o'qituvchi-o'quvchi muloqati tashkil qilish darsning yakunlovchi qismidagi eng samarali faoliyatdir.

SHuni alohida ta'kidlash joizki, so'z boyligini oshirishning asosiy didaktik omillaridan biri bo'lgan uyadosh so'zlar ustida ishlash leksikologiya bo'limini o'rganish mashg'ulotlaridagina emas, balki tilning boshqa sathlarini o'rganish jarayonida ham davom etadi. Xususan, ma'nodosh, shakldosh, zid ma'noli so'zlar, iboralar, paronimlarni o'rgatish mashg'ulotlarida bu masalaga alohida diqqat-e'tibor beriladi. Bular yuzasidan qaydlarimiz, tubandagilardan iborat.

**2. Ma'nodosh so'zlar ustida ishlash.** O'quvchilar nutqini ma'nodosh so'zlar bilan boyitish zaruriyatini yuzaga keltirish maqsadida (didaktik prinsipga amal qilgan holda) berilgan so'zlar yordamida ma'nodosh so'zlar topish oddiy bo'yoqli so'zlarni ularning ma'nodoshlari bilan almashtirish: *tabrikladi, qutladi, muborakbod qildi, ota, padar, qiblagoh* kabilar. Sinf jamosi, ularning bilim saviyasini nazarda holda berilgan so'zni shu ma'no yoki shunga yaqin ma'noni ifodalovchi tasviriy ifoda va iboralar bilan almashtirish: *pilla-kumush tola, suv-*

obihayot, quvondi-og'zi qulog'iga etdi; ayyor-yulduzni benarvon uradi va h. SHuningdek, belgining kamayishi yoki oshib borishiga qarab darajalanishini ifodalovchi ma'nodoshlik qatorini tuzish:

*chayla → kana → kulba → uy → xona → qasr → saroy → kashona*

kabilar ham o'quvchilarda so'zga ehtiyoj paydo qilishning eng muhim holda qiziqarli omilidir.

Lug'aviy ma'noda uning tarkibiy qismlaridan birining begining oz ko'pligi jihatidan yuqoridagidek darajalanishi O'zbek nazariy leksikasida...so'zlarning miqdoriy ko'rsatkichiga ko'ra bunday darajalanishini ifodalovchi so'z guruhlari graduonimik lug'aviy qatorlar nomi bilan yuritilmoqda. Bunday guruhlar ayni bir belgi yoki predmetning turli xil darajasini ko'rsatadi: tuzuk-durus-yaxshi-ajoyib; chiroyli-go'zal-zeb

«Muqaddima»ning II bo'limida berilgan 123, 124, 125, 126-mashqlarda o'quvchilarga berilgan amaliy materiallar va uchta ma'rifiy matnning maqsadi ma'nodosh so'zlar, ma'nodoshlar qatorini amaliy uqitirshga qaratilgan ijodiy topshiriqlar, o'zlashtirilishi lozim bo'lgan zaruriy bilim, egallanadigan malaka va ko'nikmalardir. Zero, bular ijrosi jarayonida o'quvchilar ma'nodoshlarning turli nozik ma'no qirralarini ifodalash, og'zi va yozma nutq amaliyotida bir so'zni bir necha marta o'rinsiz takrorlashga yo'l qo'ymasligi va ular nutqning ta'sirchanligini ta'minlovchi, bezovchi leksik vosita ekanligini bilib oladilar. Uni 125-mashqdagi topshiriq taqozasida «Ma'nodosh so'zlarning xizmati» mavzusida tuzgan og'zaki matnlarida amalda sinab ko'radilar. Demak, u nazorat xarakteridagi ijodiy topshiriqdir. SHuningdek, «Ona tili» fanining izchil kursidagi amaliy topshiriqlarni bajarish (246-259-mashqlar) jarayonidagi bilim, malaka va ko'nimklarini ishga solib, xat yozish, «YOz fasli», «O'lkamizda yoz» kabi mavzulardan birida insho yozish ijodiy topshiriqlarini (258-259-mashqlar) bajaradilar. Bularda ham o'quvchining ma'nodoshlar haqidagi nutqiy malakalir bosqichma-bosqich tadrijiy rivojlanadi va takomillasha boradi.

**3. Zid ma'noli so'zlar (antonimlar) ustida ishlash.** O'quvchi lug'atini boyita borishning yana bir muhim omili «zid ma'noli so'zlar» mavzusida berilgan

topshiriqlarni bajarishdir. O'quvchi mazkur mavzu uchun berilgan amaliy topshiriqlarda aqliy faoliyatining qo'yidagi turlarini bajaradilar.

1. So'zlarni ma'no zidligiga ko'ra guruhlarga ajratish
2. Ijobiy va salbiy bo'yog'iga ko'ra guruhlash (129-mashq)
3. Berilgan so'zlarga zid ma'noli so'zlar tanlash (128-mashq)
4. Berilgan so'zlarga ma'nodosh va zid ma'noli so'zlar topish (131-mashq)
5. «Zumrad va Qimmat» ertagi mazmuni asosida Zumradning ijobiy fazilatlari, Qimmatning salbiy xususiyatlarini ifodalovchi so'zlarni ro'yxat qilish kabilar.

Zumrad	Qimmat
Mehnat sevar, odobli	Dangasa, odobsiz
.....	.....

Ta'kidlangan mustaqil ijodiy faoliyalar jaaryonida o'quvchilar bir-biriga zid bo'lgan narsa, harakat, belgi miqdorni atab kelgan so'zlarning zid (qarama-qarshi) ma'noli so'zlar ekanligini ongli ravishda o'qib oladilar. Xususan, 131-mashq topshirig'i ijrosida ularning antonimlar haqidagi bilim, malaka va ko'nikmalari sinovdan o'tadi, yanada takomillashadi. Chunki ular bu ijodiy ish jarayonida mazkur mashqda berilgan *kun, ko'p, ozg'in, boy, vijdonli, dongdor, yorug', foydali, keng, rostgo'y, qattiq, ravon* singari 11 ta so'zning har biriga o'qituvchi yoradmida ma'nodosh va zid ma'noli so'zlar tanlab, uch ustundan iborat jadval tuzadilar:

So'z	ma'nodoshi	zid ma'nolisi
kun	kunduz	tun
ko'p	ortiq	kam
.....	.....	.....

**4. SHakldosh so'zlar ustida ishlash** mavzusi uchun «Muqaddima»da berilgan 132-134, izchil kursda berilgan 271-276-mashqlardagi jami 13 ta topshiriqni bajarish orqali amaliy ravishda shakldosh so'zlarning aytilishi va

yozilishi bir xil so'zlar ekanligini, so'z o'yinlari hosil qilishda va ajoyib tuyuqlar yaratishda asosiy badiiy vosita ekanligini bilib oladilar. SHu asosda ularni qatnashtirib, mustaqil gap tuzadilar, shakldoshlarning ma'nosini farqlay oladilar. Tuyuqlar bilan nutqini boyita boradilar.

Misollar:

1. Qo'lingdan kelgincha chiqar yaxshi ot.

YAxshilik qil, bolam, yomonlikni ot.

Nasihatim yod qilib ol, farzandim,

YOlg'iz yursa, chang chiqarmas yaxshi ot.

2. Gap egasini topadi. Ega gapning bosh bo'lagidir va h. Xullas, sinonimlar, antonimlar kabi omonimlar ham o'quvchilar lug'at boyligini oshirishda katta ahmiyatga ega. Lug'at boyligi esa o'quvchi nutqiy taraqqiyoti uchun asosiy omil sanaladi. SHu ma'noda ona tili mashg'ulotlarida bajariladigan barcha ijodiy-amaliy topshiriqlar jarayonida asosiy e'tibor o'quvchida o'z xususiy so'z boyligini oshira borishga qaratiladi.

Ona tili mashg'ulotlarida o'quvchilarni ijodiy fikrlashga o'rgatish, avvalo, sub'ekt faoliyatini mashqlar tizimi sifatida berilgan o'quv topshiriqlari echimiga to'g'ri yo'naltirish, qolversa, har bir mavzu uchun "Bilib oling" mazmunini ongli ravishda uqtira borish orqali amalga oshiriladi. CHunki ular bu faoliyatning nazariy va amaliy asoslaridir.

UO'TM ning 5-sinfida o'quvchilarni ijodiy mustaqil fikrlash, ijodiy fikr mahmulini og'zaki, yozma shakllarda to'g'ri ifodalash umudidak prinsipda-soddadan murakkabga yo'nalishida olib boriladi. Ular sirasiga ixcham gapni kengaytirish, muayyan qolip, gap chizmalari, turli shakllar asosida gap tuzish kabi ijodiy faoliyatlardir.

Ijodiy tafakkurni o'stirish o'quvchi so'z boyligini oshira borishni talab qiladi. Ijodiy topshiriqlar buning asosiy didaktik omilidir. SHu ma'noda tilning barcha sathlariga berilgan mavzular, xususan so'zshunoslikka oid mavzular behad imkoniyatga ega.

## **II BOB. TA'LIM JARAYONIDA JODIY FAOLIYATINI SHAKLLANTIRISHGA QARATILGAN METODLARNING TIPOLOGIYASI**

### **1.2. Ta'lim oluvchilarni faollashtirishning ahamiyati**

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлари бевосита узлуксиз таълим тизими билан боғлиқ. «Таълим тўғрисида»ги Қонун асосида янги турдаги – ўрта махсус, касб-хунар таълими шакллантирилди. Ҳозирги пайтда юқори малакали ва маданиятли, мустақил фикрлайдиган мутахассислар тайёрлаш бўйича муҳим аҳамиятга молик ишлар олиб борилмоқда.

Замонавий таълим шароитида бўлажак мутахассисларда касбий билим, кўникма ва малакалар билан бир қаторда билимларни мустақил эгаллаш ва муаммони мустақил равишда ҳал этишда ижодий ёндашиш қобилиятлари ҳам шаклланиши керак. Бўлажак мутахассисларда ушбу хусусиятларни шакллантиришда таълим олувчиларнинг мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ва ўқув билув фаолиятини фаоллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам бугунги кунда таълим олувчиларининг ўқув-билиш фаолиятларини таъминловчи ва ривожлантирувчи фаол таълим методларини ўқув жараёнига жорий этиш асосий вазифалардан ҳисобланади. Таълим олувчиларни мустақил ва ижодий ёндошган ҳолда муаммоларни ечимини излаш, топиш ва мустақил қарор қабул қилиш қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган фаол таълим методларидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Республикамизнинг педагог олимлари, амалиётчилари ва методистлари томонидан илмий асосланган замонавий педагогик технологиялари ва фаол методларни таълим-тарбия жараёнига жорий этиш, фанларни ўқитишда таълим олувчилар ўқув билув фаолиятини фаоллигини таъминлаш бўйича семинарлар, илмий –амалий анжуманлар ўтказилсада ва илмий тадқиқотлар олиб борилсада, самараси паст бўлмоқда. Таълим-тарбия жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштиришга етарлича аҳамият



берилмаганлиги, ўқитиш технологиялари ва баҳолаш тизими таълим олувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга мос келмаслиги, фаол таълим методларидан кенг фойдаланишга эътибор пастлиги, шунингдек ўқув материални фаоллаштириш муаммо бўлиб турибди.

Биз томондан ўтказилган педагогик изланишлар ва олинган дастлабки натижалар шуни кўрсатдики, таълим олувчиларнинг билим олиш ва ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш орқали уларнинг таълим олиш имкониятлари, мустақил ишлаш қобилиятларини ҳамда амалий кўникмаларини ривожлантиришга эришиш мумкинлиги аниқланди.

Ушбу методик қўлланма айнан олий ва касб-ҳунар таълим муассасаларида фанларни ўқитишда таълим олувчиларнинг билим олиш ва амалий фаолиятларини фаоллаштиришга йўналтирилган фаол таълим методларини ўрганиш, уларнинг ўқув жараёнидаги ўрни ва ролини аниқлаш ва амалда қўллаш методикаларини ишлаб чиқиш ҳамда тадбиқ этиш масалаларига бағишланган.

Республикамиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларининг ривожланиб бориши, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини янада такомиллаштириш; фан-техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларига таянган ҳолда талабаларни касб-ҳунарга ўргатишда уларнинг изланувчанлик, ижодкорлик, фикрлаш қобилиятларини юксалтириш, нутқ маданиятини ўстириш; касб-ҳунар сирларини пухта эгаллашларида ахборот-коммуникацион технологиялар хизматидан мақсадли равишда самарали фойдаланиш; таълим олувчиларнинг мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш бугунги куннинг энг долзарб муаммолардан биридир.

Замонавий таълим шароитида бўлажак мутахассисларда касбий малакаларини шакллантиришда уларнинг мустақил ўрганиши ва муаммони ҳал этишда ижодий ёндашиш қобилиятларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу хусусиятлар таълим олувчиларнинг мустақил фикрлаш

қобилиятларини ривожлантириш ва билим олишларини фаолиятини фаоллаштириш орқали шакллантирилади.

Таълим олувчиларнинг онглилиги ва фаоллигини ошириш учун ўқитиш жараёни шундай ташкил этишни назарда тутадик, бунда талабалар илмий билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш методларини онгли ва фаол эгаллаб оладиган, уларда ижодий ташаббускорлик ва ўқув фаолиятида мустақиллик, тафаккур, нутқ ривожланадиган бўлсин.

Бернард Шоу бир куни: “Агар сиз одамни ўқитиб, бирор нарсага ўргатмоқчи бўлсангиз, у ҳеч қачон ҳеч нарсани ўрганмайди” деган экан. Материални яхши ўзлаштириб олиши учун таълим олувчи шу материал устида фаол ишлаши керак. Шунчаки қулоқ солиб тинглаш ёки кўздан кечириб чиқишнинг ўзи етарли эмас. Таълим олувчи материални ўйлаб кўриши, муҳокама қилиб чиқиши ёки мазкур мавзуга доир уй вазифасини бажариши керак.

Таълим олувчи мустақил ва ижодий фаолияти объект-жараён ва ходисаларни кузатиш, таққослаш, бир-биридан фарқли жиҳатларини аниқлаш, умумлаштириш каби хусусиятлар орқали кўзланган мақсадига эришиши мумкин. Демак фанларни ўқитишда ҳам таълим олувчиларнинг билим олиш ва ўрганиш фаолияти ўз-ўзидан фаоллашмайди, у энг аввало ақлий ва онгли муносабат натижасида юзага келади.

Биз томондан ўтказилган изланишлар ва олинган дастлабки натижалар тадқиқотлар шуни кўрсатдики, таълим олувчиларнинг билим олиш фаолиятини фаоллаштириш орқали уларнинг билим имкониятлари, ижодий ва мустақил ишлаш қобилиятларини ҳамда амалий кўникмаларини ўрганиш даражаларини ривожлантиришга эришиш мумкинлиги аниқланди.

Таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштиришдан олдин уларнинг дастлабки билим даражаси, ўзлаштирган билимларни амалиётда қўллаш олиши кўникмаларни ҳамда мустақил ишлаш қобилиятларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ушбу хусусиятларни ҳар томонлама таҳлил

қилмай туриб, талабаларнинг фаол фаолият кўрсатиш даражаси ҳақида фикр юритиб бўлмайди.

Демак, таълим олувчиларнинг ўқув-билиш ва ўқув амалий фаолиятларини фаоллаштиришга йўналтирилган фаол таълим методларини ўрганиш, уларнинг педагогик технологиялар тизимида ўрни ва ролини аниқлаш ва ўқув жараёнида қўллаш методикаларини ишлаб чиқиш ҳам бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб турибди.

Тадқиқотларда таълим жараёнида талабаларнинг мустақил ишлашларини фаоллаштириш учун қуйидаги методлардан фойдаланилади:

- муаммоли топшириқларни ўз ичига олган карточкалар билан ишлаш;
- ишлаб чиқариш йўриқномаси вақтида бажарилган амалий ишларни кетма-кет таҳлил қилиш йўли билан объект ёки жараёнларни мустақил ишлаб чиқиш ва тузиш;
- қилинган ишларни таҳлили бўйича амалий ишларни мустақил бажариш;
- талабаларнинг иш ўринларини ўзгартириш;
- бажарилган амалий ишларнинг сифати бўйича таълим олувчиларнинг ўз-ўзини назорат қилиш;
- дарсларда мураккаблашган муаммоли топшириқлардан фойдаланиш.

Агар машғулотларда интерфаол таълим методларидан фойдаланилса, талабалар машғулот давомида фаол бўладилар, ўқитувчи эса, уларга ҳамкор бўлиб ҳисобланади. Ўзаро фикр алмашиш пайтида, талабалар маълум даражада ўқитувчи фаолиятининг айрим қисмларини ҳам бажарадилар, ўқув гуруҳи эса, ҳамжамиятга айланади.

Таълим тизимида метод тушунчасига тўхталадиган бўлсак унинг маъноси-кўзланган ўқув мақсадига эришиш учун аввалдан белгиланган энг аниқ ва қисқа йўлдир. Тадқиқотларда метод бир муаммони ечиш, бирор тажрибадан натижа олиш, бир мавзунини ўрганиш ёки ўргатиш каби

мақсадларга эришиш учун билиб танланган ёки шунга қараб бориладиган йўлдир деб таърифланади.

Баъзи педагогик адабиётларда метод атамаси ўрнига метод сўзи ҳам ишлатилиб келинмоқда. Масалан, метод – (грекча *metodos* сўзидан олинган бўлиб, изланиш ёки билиш йўли, назария, таълимот маъносини англатади) конкрет вазифани ечишга бўйсундирилган, борлиқни амалий ёки назарий ўзлаштириш операцияларининг ёки йўллариининг йиғиндиси деб таъриф берилади.

Кейинги пайтларда педагогик амалиётда кўпроқ “таълимнинг фаол шакл в методлари” атамаси қўлланила бошлаган. У талабалар ўқув фаолиятининг юксак даражасини таъмин этувчи қатор педагогик технологиялар гуруҳини ўзида уйғунлаштиради.

Сўнгги вақтларда эса яна бир атама кенг тарқалган бўлиб, у- “интерфаол таълим”дир. *Interactive Learning* атамаси инглиз тилида таълим субъекти (ўқитувчи, тренер, раҳбар, бошқарувчи) билан фаол алоқадорликка асосланган *таълим* маъносини англатади. Моҳиятан у коммуникатив технологиянинг вариантларидан бири (модел)ни билдиради. Бошқачароқ қилиб айтганда, интерфаол таълим-таълим объекти ва субъекти ўртасидаги аъло даражада ташкиллаштирилган ўзаро ҳамкорлик муносабатидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро иккиёқлама (тескари) ахборот алмашинувига асосланади.

Таълим методи белгиланган ўқув мақсадига кафолатли эришиш учун ўқитувчи ва талабаниннг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этишнинг тартибга солинишидир.

Фаол таълим методларисиз қўйилган ўқув мақсадига, эришишда билим олиш ва ўрганиш фаолиятини фаоллаштиришга, таълим натижаларига эришиш қийин.

Ўқитувчи томонидан бундай фаол методларни тадбиқ этилиши талабаларни меҳнат қилишга, диққатини тортишга ўз устида мустақил

ишлашга, фикрлашга, изланишга ундайди, дарсларга қизиқиши ортиб, қатнашиши фаоллашади.

Илмий ишлар ва педагогик адабиётларда фаоллаштиришнинг қуйидаги шакл ва методларидан фойдаланиш бўйича тавсия берилади:

- фаоллаштириш шакллари: диалогик маъруза, семинар, лаборатория-амалий машғулотлари, ишчанлик ўйинлари, кўчма машғулотлар, стажировка, суҳбат, маслаҳат, илмий-амалий конференциялар, учрашувлар, ёзма ишлар;

- фаоллаштириш методлари: суҳбат, машқ, ролли ўйин, адабиётлар билан мустақил ишлаш, ижодий мунозаралар, муаммоли, дастурли таълим элементларидан фойдаланиш, тажриба алмашиш ва шу кабилар.

Фаол таълим методларининг юқорида таъкидланган ижобий томонлари билан бир қаторда айрим камчиликларни ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Буларга анъанавий таълим методларига нисбатан вақтнинг кўп талаб қилиши, аудиторияда шовқиннинг юзага келиши, ўқитувчидан алоҳида тайёргарлик талаб қилиши кабилар киради.

Фаол таълим методларидан ўринли ва мақсадли фойдаланилганда пировард натижа-таълим самарадорлиги анъанавий таълимдагига нисбатан ҳар доим юқори бўлади. Энг асосийси талабада мустақил фикрлаш, турли масалаларни ва муаммоларни мустақил ечимини топиш, ўз-ўзини назорат қилиш каби малакаларни шаклланишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида таълим муассасаст битирувчиларининг мустақил ҳаётга қадам қўйишларида, меҳнат бозорида ўз ўринларини топишларида муҳим аҳамият касб этади.

Фаол методлар ёрдамида талабалар ўз фикрларини эркин ифодалаш ахборотларини танқидий қабул қилиш, жамоа фаолиятида фаол иштирок этиш, ўз мавқеини мустақамлаш, фикрларини ҳимоя қилиш, ҳақ – ҳуқуқларини англаб етиш каби имкониятларга эга бўладилар.

Таълим олувчиларнинг машғулотларда мустақил мунозара ва фикр юритишга, уларнинг ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқитишнинг фаол методлари ва уларни танлаш имкониятлари бўйича бир қатор назарий ва амалий аҳамиятига эга ишлар олиб борилмоқда.

Фаол методлардан оқилона фойдаланиш таълим жараёнига жўшқинлик, изланувчанлик кайфиятини бахш этади, талабаларда ўз имкониятларига ишонч ва ўз меҳнати натижасидан мамнунлик ҳиссини вужудга келтиради, билишга оид қизиқишларни янада орттиради. Булар эса, таълим жараёнларида талабалар шахси баркамоллашувининг муҳим омиллари бўлиб ҳисобланиши табиийдир.

Ушбу фикрлар шундан далолат берадики таълим олувчиларнинг билим олиш, мустақил ишлаш ва ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг онгли фаоллиги, мустақиллиги ва ижодкорлигини, ўқув билиш фаолияти натижасининг сифатини характерлайди.

Ўқитишнинг ноанъанавий фаол методлари қўлланилганда ўқитувчи (ишлаб чиқариш таълими устаси) нафақат мавзу мазмунини талабаларга тушунтириб беради, балки уларнинг мустақил ишлашлари учун махсус топшириқлар тайёрлайди, мустақил ишларни қандай бажаришларини назорат қилади, мавзу бўйича билим ва кўникмаларини баҳолайди.

Фанлардан амалий кўникмаларни фаол методлар асосида ўргатиш, асосан меҳнатни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади, чунки бундай таълим қисмлари касбий–мантиқий эмас, балки ҳаракатларга йўналган тарзда кечади. Кўпинча ўз касбини, соҳасини аъло даражада эгаллаган мутахассислардан мисол учун бирор иш тартибини тушунтириб бериш сўралса, улар кўпинча сергаклик билан тушунтиришни бошлайдилар,

иккинчи даражали масалаларга тўхталиб, қисқа ва лўнда тушунтириб бера олмайдилар.

Демак бўлажак мутахассисларда касбий билим, кўникма маҳоратларни шакллантириш билан бир қаторда уларда ахборотлардан мустақил фойдаланиш ва муаммони ҳал этишда ижодий ёндашиш қобилиятлари ҳамда ташкилотчилик кўникмалари шаклланиши таъминланиши керак. Ушбу хусусиятларини шакллантиришда таълим олувчиларнинг мустақил ва танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ва билим олиш ва ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун ҳам таълим олувчиларининг онгли ва изланувчан ўқув-билиш фаолиятларини таъминловчи фаол таълим методларидан кенг фойдаланиш ҳозирги даврнинг муаммоларидан биридир.

Фикримизнинг далили сифатида муаммога шуни айтиш мумкинки фаол методларни қўллашга оид ишлар кўп бўлсада, фанларни фаол методлар асосида ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш билан боғлиқ ишларнинг миқдори жуда кам эканлигини кўрсатиш мумкин. Шуни ҳам унутмаслик зарурки, ҳар қандай ўқитувчи ўз фани бўйича ўқув мақсадига самарали эришишни ўқитиш методикаси орқали таъминлаши мумкин.

## **1.2.Оқувчиларда ижодий фаолиятни оширishга қаратилган методлар**

Машғулотлар таълим олувчилар билан қизиқарли, ҳаттоки, дарсга тааллуқли бўлмаган мавзулар тўғрисидаги суҳбат билан бошланиши лозим. Иложи бўлса, дарсга боғлиқ бўлган мавзулар юзасидан суҳбатни бошлаш керак. Масалан, қизиқарли кашфиёт ёки янгилик танланиши мумкин. Буларнинг барчаси биринчи дарс мобайнида таълим олувчиларнинг кайфиятига, шу соҳага қизиқишига ёки кейинги дарсларда таълим олувчилар ўрганадиган фанига эътиборини қаратишга ёрдам беради.

Агар, дарс биринчи бор янги ўқув гуруҳида ўтилатган бўлса, ўқитувчи қисқача ўзини таништириб ўтиб, таълим оловчиларга ҳам ўзларини таништириш имкониятини бериш керак. Бу таълим оловчиларда ишонч туғдиради, таълим оловчилар ўзларига билдирилатган ҳурматни ҳис қиладилар. Назарий фан мақсадини баён этиш орқали мотивация ва муайян мавзуга кириш амалга оширилади. Интринли (ички) ва экстринли (ташқи) мотивация учун сабаб ва аргументлар топишга ҳаракат қилиш лозим. Мотивация қилиш билан ўқиш ва ўрганишга бўлган тайёрлик учун шарт-шароит яратилади.

Сўнгра ўқитувчи таълим оловчиларга фан бўйича янги ўқув материални тушунтиради, қисқа маърузалар ўқийди, мунозаралар уюштиради, ўқув суҳбатлари, ўйин – машғулотлари ва муаммоларни ҳал қилиш ҳақида суҳбатлар ўтказилади. Кейинги дарсларда янги мавзунини бошлашдан аввал ўтилган мавзулар қисқача, умумлаштирилган ҳолда қайтарилиши керак.

Таълим оловчиларга мавзуларга мос тарқатма материаллар тарқатилиши лозим. Бу ўқув жараёнини енгиллаштиради. Мавзуга кирилмай туриб, тарқатма материаллар тарқатилмайди. Уларни мавзуга монанд равишда бирин кетин тарқатиш, уларни ўқиб чиқиш учун етарли дақиқалар бериш ва таълим оловчилар эътиборини ахборотга қаратиш учун овоз чиқариб ўқитиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таълим оловчиларга тафаккур қилиш ва қайта ишлаш имкониятини яратувчи топшириқлар ўзлаштирилган билимларни фаол равишда қайта ишлаб бориш учун зарурдир. Улар билимларни қабул қилишнинг нисбий пассив фазасидан сўнг фаол фаза келиши учун имконият яратиб беради. Гуруҳларда ишлаш ёки мустақил равишда топшириқларни ечиш ва натижаларни тақдим этиш самарали ўқитиш методлари ҳисобланади.

**2. Гуруҳий ишлаш.** Ўқитиш жараёнида гуруҳ бўлиб ишлаш методининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Фанлар бўйича назарий билимларни беришда ва амалий машғулотларни ўтказишда гуруҳий ишлар олиб борилиши



мумкин. Бу борада барча таълим олувчилар бир неча кичикроқ ўқув гуруҳларига тақсимланади ва бу гуруҳлар мустақил ишлайдилар. Кичик гуруҳларнинг иш натижалари кейинроқ бутун гуруҳ доирасида муҳокама қилиниши мумкин.

Гуруҳий ишлар махсус билимлар билан бир қаторда амалий кўникмалар ўрганилиши керак бўлганда, шунингдек таълим олувчиларда мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш учун қўлланилади. Бир нечта таълим олувчилар биргаликда ишлаган пайтда, уларнинг шахсий хусусиятлари ва характерлари орасида ўзаро ҳамкорлик вужудга келади. Шунинг учун гуруҳий иш ташкил қилиш анча мураккаброкдир.

Гуруҳли бўлиб ишлашда иккита ҳолат фарқланади:

- бир хил мавзуда олиб бориладиган гуруҳ иши;
- ҳар хил мавзуда олиб бориладиган гуруҳ иши

Бир хил мавзуда олиб бориладиган гуруҳ ишида бир неча гуруҳларга бир хил топшириқлар берилади. Топшириқ ва машқларни ечиш шароитлари ҳам бир хил бўлади. Шундай қилиб ҳар хил ечимлар гуруҳ иши туганидан сўнг бир-бири билан таққосланиши мумкин. Кўпинча бундай ҳолларда рақобат ҳолати юзага келади. Ечим топилиши вақтида эса рақибликка ўхшаш ҳолатлар вужудга келади. Бу ерда муҳим нарса шуки, гуруҳлардаги таълим олувчиларнинг билим ва кўникмалари имкон қадар бир хил бўлиши керак.

Ҳар хил мавзуда олиб бориладиган гуруҳ ишида бериладиган иш топшириғи бир неча қисмларга бўлинади. Фақат бу қисмлар бирлаштирилгандагина топшириқнинг мазмуни аниқ кўринади.

Ҳар бир гуруҳ бу ҳолда қисман топшириқ олади ва мустақил равишда унинг устида ишлайди. Лекин бу ҳолда ишларнинг тақсимооти анча мураккаб бўлади, ечимга таъсир қилувчи кўпинча фарқ шарт-шароитлар ва фарқлар ҳосил бўлади.

Бундай ёндашувда бир гуруҳ таълим олувчилари фақат ўзларига берилган топшириқларни билишади холос, яъни бошқа гуруҳлар ишлари

хақида деярли хабарлари бўлмайди. Шунинг учун ҳам натижалар қисман бирлаштирилиши зарур.

Гуруҳий ишда берилган топшириқлар пухталиқ билан ўйлаб чиқилган бўлиши керак, чунки уларда таълим олувчилар орасида мулоқот ва ҳамкорлик қобилиятини ривожлантириш каби мақсадлар бор. Гуруҳий иш учун қуйидаги ўқитиш шакллари мос келади:

**1. Устахона шаклидаги гуруҳий иш:**

Устахонада бажариладиган амалий машғулот доирасидаги вазиятга ўхшаш келажак фаолият бўйича сценарийлар ва муаммолар ишлаб чиқилади. Бунинг учун долзарб муаммолар ўрганиб чиқилиши керак. Бу муаммолар таълим олувчиларнинг дастлабки билимлар даражасини инобатга олган ҳолда ва ижодий фикрлаш билан боғлиқ ҳолда таълим олувчиларни ечимларга ундашлари керак.

**2. «Режа ўйини» шаклидаги гуруҳий иш:**

«Режа ўйинлари» белгиланган вазиятда турли хил ечимларни синаб кўриш имконини беради. Таълим олувчилар бунда муаммога бўлган ҳар хил таъсирлар натижага қандай таъсир қилишини ўрганади. Бунинг учун сабаб ва оқибат бир-бири билан боғлиқ равишда кўрилиши керак. Масалан ҳар хил компьютер дастурлари орқали корхона ва фирмалар фаолияти соҳасидаги масалаларни «ўйин орқали» синаб кўриш имкониятини яратади. Таълим олувчилар ўйин жараёнида ўзаро рақобат муносабатида бўладилар.

**3. Лойиҳа шаклидаги гуруҳий иш:**

Лойиҳавий иш бир лойиҳани аниқ белгиланган чегара доирасида ишлаб чиқишни талаб қилади. Лойиҳа шаклидаги гуруҳий иш жуда ҳам катта аҳамиятга эга, чунки бунда вазифалар топшириқлар мажмуаси бўйича аниқ тақсимланиши керак бўлади.

**3.Мунозара** методи жараёнида юзага келадиган баҳслашиш фикрлашнинг ифодаси бўлибгина қолмай, шаклланиб келаётган шахс ўзининг бирор нарсани ҳал этиш, мустақилликда катталар билан тенг ҳуқуқли эканлигини ёқлаш эҳтиёжидир. Дарс жараёнидаги баҳс чоғида

Ўқитувчи таълим олувчилар билан баравар ҳақиқат изловчиси бўлиб ҳаракат қилади. Ана шу баҳсда у ўз билимини намойиш этади, кенг фикрлайди, фикрларни далиллар билан асослайди, бу фазилатлар эса таълим олувчилар ўртасида ўзаро катта ҳурмат уйғотади. Баҳс жараёнида ҳар бир таълим олувчининг «шахсий фикри», ўз мавқеини ифодалаш ва асослаш малакаси юксак кадрланади.

**4. Машқ методи.** Машқ - бу ўтилган ўқув материалларини амалиётда қўллаш мақсадида, режали ташкил этилган амалларни кўп мартаба бажаришдир. Ушбу методнинг афзаллиги шундан иборатки, у, кўникма ва малакаларни самарали шаклланишини таъминлайди

Машқ-кўникма ва маҳоратларнинг ташкил этувчилари бўлганлиги каби ишлаб чиқариш таълимининг ҳам асосий методи бўлиб ҳисобланган машқлар билан шаклланади. **Машқ** деганда онгли равишда маълум бир фаолият методи бўйича амалий ҳаракатларни кўп мартаба такрорлаш тушунилади.

**Таълим олувчиларнинг мустақил кузатуви.** Бу метод асосан мураккаб тузилишдаги жихозларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ касбни эгалламокчи бўлган таълим олувчиларнинг ишлаб чиқариш таълимида қўлланилади.

Кузатув таълим олувчилар томонидан мустақил равишда, ишлаб чиқариш таълими устасининг назорати ва унинг кўрсатмалари бўйича ўтказилади. Топшириқда одатда мустақил кузатувлар мақсади қўйилади, уларни ўтказиш тартиби кўрсатилади ва кузатувлар натижаларини қайд қилиш бўйича кўрсатмалар берилади .

Машқларни қуйидаги турларидан фойдаланилади.

**4.1. Шарҳланган машқлар** ўқув жараёнини фаоллаштиришга, вазибаларини онгли равишда бажарилишига хизмат қилади. Ушбу машқларнинг моҳияти шундан иборатки, ўқитувчи ва таълим олувчилар бажарилаётган ишларни шарҳлайдилар, натижада улар ўзлаштирилади ва тушуниб етилади. Аввал бунга энг яхши таълим олувчилар жалб этилади,

кейин эса ўқув материални тушунтиришда бутун гуруҳ иштирок этади. Шарҳланган машқлар методи ўқув машғулотининг юқори суръатини таъминлайди, материални барча таълим олувчилар томонидан онгли ва мустақил равишда, мустаҳкам ўзлаштирилишига ёрдам беради.

**4.2. Оғзаки машқлар** таълим олувчиларнинг нутқ маданияти ва мантиқий тафаккурини тараққий эттириш, ижодий қобилиятларин ривожлантириш уларнинг билиш имкониятлари билан боғлиқ.

**4.3. Ёзма машқларнинг** асосий вазифаси – керакли кўникма ва малакаларни шакллантириш, чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

**4.4. График машқлар** ишлаб чиқариш жараёнлари босқичларини ўрганиш жараёнида ишлатилади.

**4.5. Лаборатория-амалий машқлар** меҳнат асбоблари, лаборатория ускуналаридан (жиҳозлар, ўлчов аппаратлари) фойдаланиш малакаларини эгаллашга имкон беради, конструкторлик-техник маҳоратни ривожлантиради.

**4.6. Ишлаб чиқариш - меҳнат машқлари** ўқув ва ишлаб чиқариш характеридаги алоҳида ишлаб чиқилган тармоқни ташкил этади. Улар оддий ва мураккаб бўлади: биринчиси – алоҳида меҳнат методларини бажариш машқлари, иккинчиси – ишлаб чиқариш – меҳнат ишларини бутунлигича ёки уларнинг талай қисмини (станокларни созлаш, детал қисмларини тайёрлаш ва ҳ.к.) кўзда тутилган.

## **5.Ишбилармонлик ёки ролли (вазиятли) ўйин.**

Ишбилармонлик ёки ролли вазиятли ўйинлар – муаммоли вазифанинг бир тури бўлиб фақатгина матнли ўқув материали ўрнига таълим олувчилар томонидан роллар ўйналадиган ҳаётий вазият сахналаштирилади.

Ишбилармонлик ва ролли вазиятли ўйинлар таълим методи сифатида қуйидаги вазифаларни бажаради:

•**ўргатувчи:** умумтаълим маҳоратни шакллантириш; ижодий қобилиятни ўстириш; шу жумладан: янги вазиятларни тушунтириш, аниқлаш ва таҳлил қилиш;

- **ривожлантирувчи:** мантикий тафаккурни, нутқни, атроф-муҳит шароитига ўрганиш қобилиятини ўстириш;

- **мотивацион:** таълим оловчиларни ўқув фаолиятига ундамоқ, мустақил хулосага келишишга рағбатлантирмоқ;

- **тарбиявий:** маъсулиятни, мустақилликни шакллантириш.

## **6. Муаммоли вазифалар методи**

Муаммоли вазифалар методи – таълим оловчиларга муаммоли вазиятларни ва уларнинг фаол билиш фаолиятини ташкил этишга асосланган методдир. У, аниқ вазиятларни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинчалик қарор қабул қилишдан иборат. Бу методнинг етакчи функцияларига қуйидагилар киради:

- ўргатувчи: билимларни долзарблаштиришга асосланган;

- ривожлантирувчи таълим оловчиларда таҳлилий тафаккурни, алоҳида далиллар орқасидаги ҳодиса ва қонунийликни кўра билишни шакллантириш;

- тарбияловчи: коммуникатив кўникмаларни шакллантириш.

Муаммоли вазифалар методи таълим оловчиларнинг мустақил ишларини мураккаблаштиришга, асосланган: илмий тушунчаларни, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш асосида ётган у ёки бошқа материални чуқур мантикий таҳлил қилишга асосланган.

Муаммоли вазифа ҳаётдан олинган далилларни, маъруза ва вазиятни ўрганишдан, алоҳида инсонлар ёки ишлаб чиқариш корхоналарининг манфаатларини кўзлашдан иборат бўлиши мумкин.

## **7. Топширик методи.**

**Топширик методининг** ижобий томони шундаки, унда таълим оловчилар учун яқка ҳолда эмас, гуруҳ билан биргаликда ўтилган материални қайта кўриб чиқиб, эсга туширишлари учун шароит яратилади. Бунда таълим оловчилар билмаган ёки ёддан чиқарган билимарини бир-бирларидан ўрганадилар. Мустақил бажаришга мўлжалланган топшириқлар

ўқув семестри давомида таълим олувчилар томонидан амалга оширилиб борилса, таълим олувчилар материални ёдларига тушириб, якуний назоратларни яхши топширишларига ёрдам беради.

Таълим олувчиларнинг мустақил ишлашларини ривожлантирувчи яна бир самарали топшириқ тури – бу муаммоли топшириқлардир.

Муаммолар ечими бўйича ишлаш қуйидаги тартибда бўлиши мумкин.

1. Таълим олувчилар гуруҳларда ишлайдилар. Уларга умумий ечим, мустақил қарор қабул қилишни талаб этадиган муаммоли матн ёки топшириқ берилади.

2. Таълим олувчилар муаммо ечимини муҳокама қиладилар ва биргаликда муаммо ечими бўйича умумий қарорга келишга ҳаракат қиладилар.

3. Кейин гуруҳлар бир-бирлари билан ўзаро фикр алмашадилар.

Бундай турдаги топшириқлар одатда қизиқарли муҳокамаларга олиб келади, таълим олувчиларнинг дунёқараши, мулоҳаза юритиш, ўз фикри ва ёндашувини исботлаш, қарор қабул қилиш ва умуман мустақил ишлаш кўникмаларини риқожлантиради. Ўқитувчи фақат топшириқ шартлари билан таништиради, қолган ишларни эса таълим олувчилар ўзлари бажаришади.

Бундай вазифаларни бажариш учун таълим олувчилар аудиториядан ташқари мустақил изланишларни талаб этилади ва шу билан касбий ва амалий кўникмаларни ривожлантиришга рағбатлантирилади. Лойиҳавий ишлар учун мавзу ва топшириқлар ҳаётий воқеа, далиллар ва намуналардан олиниши мумкин. Топшириқлар турли шаклларда ишлаб чиқариш ва ташкил этилиши мумкин.

**7.1.Ўйин.** Қувноқ ва ҳаракат талаб қиладиган маълум қоидаларга эга топшириқ одатда ўйин услубида бўлиб, жамоа билан қарор қабул қилишни талаб этади.

**7.2.Пирамида .** Бу топширикда маълум бир масала аввал якка холда, кейин жуфтликларда, кейин кичик гуруҳларда ва сўнгра бутун синф билан муҳокама қилинади.

**7.3.ДжигСо (Мозаика) .** Бу топширикда турли гуруҳларда бир матннинг турли қисмлари берилади. Улар тегишли маълумот қисмлари билан бир-бирлари билан ўртоқлашиб, матннинг умумий мазмунини биргаликда чиқарадилар.

**7.4. Муҳокама гуруҳлари.** Бу топширикда таълим олувчилар кичик гуруҳларда ўқитувчи билан ишлаш учун тайёргарлик кўрадилар. Бу учун маърузаларда ҳам қўлланилиши мумкин.

**7.5.Чоғишма гуруҳлар.** Бу топширикда гуруҳ кичик гуруҳларга бўлиниб бир муаммони муҳокама қилади. Бир қанча факт ўтгандан кейин турли гуруҳ аъзолари ўрин алмашишиб, бошқа гуруҳларга қўшиладилар ва муҳокамани давом эттирадилар.

**8. Ақлий ҳужум.** Бу топширикнинг мақсади иложи борича кўпроқ ижодий фикрларни юзага келтиришдир. Исталган фикрлар қабул қилинади. Йиғилган фикрлардан қай бирини келгусида ишлатишни бутун гуруҳ ҳал қилади.

**Ўқув машғулотни “Ақлий ҳужум” методини қўллаб ўтишнинг ишлаб чиқиш қоидалари.**

- Ўзаро баҳолаш ва танқидга ўрин йўқ.
- Таклиф этувчи ғоялар фантастик ва ғаройиб бўлса, ҳам уларни баҳолашдан сақланг ҳамманинг фикр билдиришига рухсат этилади.
- Танқид қилманг барча билдирилувчи фикрлар тенг қимматли.
- Сўзга чиққан кишининг гапини бўлманг!
- Эътирозлардан сақланг!
- Қанча кўп фикр айтилса, шунча яхши янги ва қимматли фикр пайдо бўлиши эҳтимоли кўпроқ.
- Фикрлар такрорланса хафа бўлманг ва уялтирманг!

- Тасаввур қилишга рухсат беринг!
- Бу муаммо фақат маълум методлар билан ҳал этиши мумкин деб ўйламанг.

**9.Сукрот техникаси.** Маърузаларда тез-тез ишлатиладиган метод унда ўқитувчи таълим олувчиларни савол-жавоблар орқали мўлжалланган мақсад сари етаклайди.

**10.Йўналтирувчи матн методи.** Бу метод ёрдамида мустақил ўрганиш имконияти яратилади ва ҳар бир таълим олувчи янги кўникма учун керак бўлган билимни олиши мумкин бўлади .

Йўналтирувчи матн методи таълим олувчиларга индивидуал ёндашиш ва мустақил ишлаш имконини беради. Бу методда ўқув материални ўрганиш ёки мустақил иш топшириқларини бажариш таълим олувчи томонидан қуйидаги 6 босқичда амалга оширилади .

**1). Маълумот йиғиш.** Бу босқичда ўқитувчи таълим олувчиларга керакли барча манбаларни ва саволлар ва топшириқлар варағини беради. Ушбу варақда таълим олувчиларга маълумотларни босқичма-босқич йиғиш тартиби саволлар ёки топшириқлар шаклида берилиши керак.

Таълим олувчилар ўзларига берилган иш топшириғини таҳлил қилиб, дарсликлар, ўқув-услубий кўрсатмалар, схемалар ва жадваллар, техник хужжатлар асосида иш босқичлари ёки керакли жиҳозлар ҳақида маълумот йиғади. Бунинг учун улар йўналтирувчи саволлар ёки топшириқлардан берилган вазифа таърифи ва ўқув мақсадлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланишлари керак.

**2). Режалаштириш.** Бу босқичда таълим олувчилар мустақил равишда иш режасини тузишлари, яъни иш топшириғини ҳал қилишга қаратилган ўзларининг бажарадиган иш босқичларини (масалан, ишлов бериш жараёни, материал, жиҳозлар ва ёрдамчи воситалар) режалаштиришлари лозим. Таълим олувчилар бу ерда ўзларининг дастлабки назарий билимларига таянадилар ва шахсий ёзувларидан фойдаланиладилар.



**3). Қарор қабул қилиш.** Таълим олувчилар ўқитувчи билан биргаликда режани амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилишади. Агар муаммони ечишда турли ечимлар юзага келса, у ҳолда энг унумли ечим танланади. Ўқитувчи доимо маслаҳатчи сифатида қатнашиши керак.

**4). Амалга ошириш.** Бу босқичдаиш топшириғини тузилган режага мувофиқ бажаришади. Ўқитувчи эса уларнинг ишини назорат қилиб туриши лозим.

**5). Текшириш.** Таълим олувчилар бажарган топшириқлари натижаларини ўзлари текшириб (масалан сифат кўрсаткичларини) "Баҳолаш варағига" қайд қилишлари ва бир-бирларининг ишини текширишлари мумкин. Ўқитувчи натижаларни "Хулосалар варағига" ёзиб қўяди.

**6). Хулоса чиқариш.** Ўқитувчи иш жараёни ва натижаларни таҳлил қилиб якуний суҳбат ўтказди ва кейинги сафар қайси жиҳатларда эътибор бериш кераклигини айтиб ўтади.

Ўқув жараёнини бундай босқичларга бўлиниши таълим олувчиларга мустақил ўрганишга туртки беради.

## **11. Видеометод**

**Видеометод** – ахборотни кўпроқ кўргазмали ўзлаштиришга асосланган бўлиб, унда кинескоп, кодоскоп, проектор, киноаппарат, ўқув телевидениеси, видеомагнитофон, ахборотни дисплейда акс эттирувчи компьютерлардан фойдаланилади.

Ўқув жараёнида видеометоддан фойдаланиш, сизнинг таълим-тарбиявий вазифаларни унумли ечишингизни таъминлайди:

- янги билимларни баён этиш, яъни жуда секин кечадиган жараёнлар билан танишиш, бевосита кузатиш мумкин бўлмаган (ўсимликлар ўсиши, суюқликда диффузия ҳодисаси ва ҳ.к.), шунингдек, тез содир бўладиган жараёнлар, бевосита кузатишлар ҳодисаларнинг моҳиятини очиб бера олмаган ҳолда (қайишқоқ таналарнинг урилиши, моддаларнинг кристалланиши ва ҳ.к.) қўлланилади;

- мураккаб механизмлар ва машиналарнинг ишлаш тамойилларини динамикада тушунтириш;

- турли хил иш фаолиятини бажариш алгоритмини тушунтириш;

- чет тили дарсларида ўзига хос тил муҳитини яратиш;

- видеохужжатларни тақдим этиш;

- машқ қилиш ишларини бажариш, жараёнларни моделлаштириш, керакли ўлчамларни олиб бориш;

- ўқув-машқ ва тадқиқот ишларини олиб бориш учун маълумотлар базасини (банкни) яратиш.

## **12. Ўқув адабиётлари билан ишлаш**

Китоб билан ишлаш методи таълим бериш, тарбиялаш, ривожлантириш, асослаш функциялар бажарилди. У ўқув адабиётлари билан мустақил ишлашда топшириқлар асосан ўқув машғулотида сизнинг раҳбарлигингиз остида, ёки уйда, мустақил равишда бажарилиши керак.

Уйда ўқув адабиёти билан ишлаш вазифасини таълим олувчилар олдига қўйишдан аввал, улар китоб билан ишлашнинг қуйидаги методларини ўргатиш керак:

- унинг тузилиши билан танишиш

- кўз югуртириб чиқиш

- алоҳида бобларни ўқиш

- саволларга жавоб қидириш

- материални ўрганиш

- реферат ёзиш

- қисқача баён тузиш

- вазифа ва машқларни ечиш

- тест синовларини бажариш

- материални хотирада сақлаб қолиш.

**13. “Тўрт поғонали” метод**– амалий кўникмаларни ўзлаштириш жараёнининг тўрт поғона доирасида кечадиган методдир.

Бу метод таълим олувчиларга бир хилда такрорланадиган кўл кўникмаларини тез ва мукамал ўрганиб олишларига ёрдам беради. “Тўрт поғонали” метод қўлланилганда, таълим олувчилар иложи борича оддий операциялар билан таништирилади, сўнг уни такрорлайдилар ва то мукамал ўзлаштирмагунча машқ қиладилар. Ушбу метод қуйидаги босқичлардан иборат:

- тушунтириш;
- нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш;
- кўрсатилган тарзда қайтариш;
- машқ қилиш.

Муҳандис-педагог фаолияти:

- тушунтириш;
- кўрсатиб бериш;
- атоларни тузатиш;
- баҳолаш.

Таълим олувчи фаолияти:

- тинглаш;
- кузатиш;
- такрорлаш;
- машқ қилиш.

**“Тўрт поғонали” методнинг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. “Тушунтириш” босқичида муҳандис-педагог таълим олувчиларга аввал оддий операция босқичини тушунтириб беради.

2. “Нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш” босқичида муҳандис-педагог таълим олувчиларга топшириқни қандай бажариш кераклигини амалда кўрсатиб беради.

3. Учинчи босқичида таълим олувчилар муҳандис-педагог кўрсатган иш ҳаракатларини такрорлайди. Муҳандис-педагог таълим олувчилар

бажараётган ҳаракатлар юзасидан ўз фикрини билдириб, хатоларини тўғрилаб туради.

4. “Машқ қилиш” босқичида таълим олувчиларнинг ҳатти-ҳаракати муҳандис-педагог томонидан назорат қилиб борилади. Таълим олувчилар иш амалларини мукаммал ўзлаштирганларидан сўнг, уни мустақил бажарадилар.

“Тўрт поғонали” методнинг асосий белгиси-таълим олувчиларнинг ҳаракатлари муҳандис-педагог кўрсатиб берган ҳаракатлар лоираси билан чекланганлигидадир.

“Тўрт поғонали” методнинг афзалликлари:

- таълим олувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришда ёрдам беради;
- вақтдан унумли фойдаланиш имконияти мавжуд;
- оддий иш босқичларини ўзлаштириш даражаси юқори бўлади.

**“Тўрт поғонали” методнинг камчиликлари:**

- таълим олувчиларнинг ҳаракатлари таълим берувчи кўрсатиб берган ҳаракатлар доираси билан чекланиб қолади;
- таълим олувчилар якка тартибда ўрганишга йўналтириладилар, лекин мустақил фикрлаш имконияти чегараланган бўлади;
- иш босқичларини амалга оширишда ҳеч қандай янгича ёндашувларга йўл қўйилмайди.

#### **14. Лаборатория методи**

**Лаборатория методи** – бу шундай таълим методикаси, унда таълим олувчи ўқитувчи раҳбарлигида олдиндан белгиланган режа асосида тажрибалар ўтказди ёки амалий вазифаларни бажаради ва шу жараёнда янги билимни англайди ва тушуниб етади.

Лаборатория методининг асосий функцияси - ўргатиш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Бу методни қўллаш билан, биз таълим олувчиларни қуйидаги имкониятлар билан таъминлаймиз:

- асбоб-ускуналардан фойдаланиш қўникма ва малакаларини эгаллаш;
- мустақил тадқиқотнинг янги йўлларини танлаш ва маълум бўлганларини текшириш;
- амалий малакаларни эгаллаш: ўлчаш ва ҳисоблаш, натижаларни қайта ишлаш ва игариги олинганлари билан таққослаш.

Айниқса, муаммоли (тадқиқий) лаборатория методи самаралидир, бунда таълим олувчилар ўзлари гипотезани илгари сурадилар, уни амалга ошириш йўлини аниқлайдилар, керакли асбоб-ускуналар ва материалларни танлайдилар.

Лаборатория иши вақтида таълим олувчилардан намоёиш методига караганда анча катта фаоллик ва мустақиллик талаб қилинади, улар бу ерда суҳбат кузатувчи бўлиб эмас, тадқиқотларнинг қатнашчиси ва бажарувчиси сифатида ҳаракат қиладилар.

Лаборатория методи мураккабдир. У, махсус ва кўпинча қиммат ускуналар бўлишини, сизни ва таълим олувчиларни пухта тайёргарлик кўришини талаб қилади. Ундан фойдаланиш жуда кўп энергия ва вақтни сарфлаш билан боғлиқ. Шунинг учун, лаборатория методини режалаштирган пайтингизда, мустақил тадқиқотнинг самараси, оддий ва тежамкор йўл билан таълим олишдан юқори бўлиши ёки бўлмаслигига аниқ ишонч ҳосил қилишингиз керак.

## **15. Суҳбат**

**Суҳбат** – ўқитиш ва ўқишнинг диалогик, савол-жавоб методи.

Бу методнинг етакчи функцияси – мотивация қилиш: аниқ мақсадни кўзда тутадиган ва моҳирона қўйилган саволлар ёрдамида сиз таълим олувчиларни ўз билимларини берилган мавзу бўйича эсга олиш ва баён

этишга, сизнинг раҳбарлигингизда бошқа таълим олувчилар билан муҳокама қилишга ундайсиз.

Таълим олувчилар, сиз билан бирга, қадамма-қадам янги билимларни мустақил фикрлаш, хулоса чиқариш, яқунлаш ва умумлаштириш йўли билан ўзлаштирадилар ва тушунадилар.

Сухбатнинг афзаллиги яна шундан иборатки, у, фикр юритишни максимал фаоллаштиради, таълим олувчининг билим олиш кучини тараққий эттиришга имкон беради.

Белгиланган мақсади бўйича суҳбатлар қуйидагиларга бўлинади:

- кириш ёки ташкил қилувчи (дидактик вазифаси: таълим олувчиларни машғулотда ишлашга тайёрлаш);

- янги билимлардан хабардор қилиш (дидактик вазифаси: таълим олувчиларни янги материал билан таништириш);

- синтезловчи ёки мустаҳкамловчи (дидактик вазифаси: таълим олувчилар томонидан билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш, эслаб қолиш ва англаш).

## **16. “Давра суҳбати” методи.**

“Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси” ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу

эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашга ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “жавоб варақаси” нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчи узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.

**“Давра суҳбати” методининг тузилмаси қуйидагича:**

- Суҳбатни ўтказиш шартлари билан таништириш;
- Конвертлар ва “Жавоблар варақалари” ни тарқатиш;
- Конвертларга саволлар ёзиш;
- Конвертни ёнидаги талабага узатиш;
- Саволларга жавоб ёзиш;
- Баҳолаш ва таҳлил қилиш.

**“Давра суҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.
3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.

5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.

6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.

7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади. Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

**“Давра суҳбати” методининг афзалликлари:**

- ўтилган материалнинг яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча таълим олувчилар иштирок этадилар;
- ҳар бир таълим олувчи ўзининг баҳолаши масъулиятини ҳис этади;
- ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади.

**“Давра суҳбати” методининг камчиликлари:**

- кўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчининг ўзи ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

**17. Пинборд (инглизчадан: pin-мустаҳкамлаш; board-доска)**

Бу ўқитиш услубининг моҳияти шундан иборатки, унда мунозара ёки ўқув суҳбати амалий метод билан боғланиб кетади. Унинг афзаллик



функциялари – ривожлантирувчи ва тарбияловчи вазифадир: таълим олувчиларда мулоқат юритиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади, ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантикий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади.

### **18. Индивидуал (яккама-якка) метод**

Индивидуал (яккама-якка) метод лаборатория методидан шуниси билан фарқланадики, унда кўпинча, таълим олувчилар фаолиятида олинган билимларини амалий вазифани ечишга қаратадилар. Назарияни амалга тадбиқ қила билиш биринчи ўринга чиқади. Ушбу метод билимни, маҳоратни чуқурлаштириш вазифасини бажаради, шунингдек, ўрганиш фаолиятини кучайтиришни таъминлайди. Амалий метод таълим олувчиларниг вазифаларини виждонлилик билан бажаришга, меҳнат жараёнини пухта ташкил этишга бошқа методлардан кўра кўпроқ кўмаклашади. (иш сифатини синчиклаб текшириш, хулосаларни таҳлил қилиш).

### **19. “Ишбоп ўйин” методи.**

**“Ишбоп ўйин” методи** – берилган топшириқларга кўра ёки ўйин иштирокчилари томонидан тайёрланган ҳар хил вазиятдаги бошқарувчилик қарорларни қабул қилишни имитация қилиш (тақлид, акс эттириш) методи ҳисобланади.

Ўйин фаолияти бирон бир ташкилот вакили сифатида иштирок этаётган иштирокчининг хулқ-атвори ва ижтимоий вазифаларни имитация қилиш орқали берилади. Бир томондан ўйин назорат қилинса, иккинчи томондан оралиқ натижаларга кўра иштирокчилар ўз фаолиятларини ўзлаштириш имкониятига ҳар эга бўлади. Ишбоп ўйинда роллар ва ролларнинг мақсади аралашган ҳолда бўлади. Иштирокчиларнинг бир қисми катъий белгиланган ва ўйин давомида ўзгармас ролни ижро этишлари лозим. Бир қисм иштирокчилар ролларини шахсий тажрибалари ва билимлари асосида ўз мақсадларни белгилайди. Ишбоп ўйинда ҳар бир иштирокчи аллоҳида ролли мақсадни бажариши керак. Шунинг учун вазифани бажариш

жараёни индивидуал-гуруҳ характерга эга. Ҳар бир иштирокчи аввал ўзининг вазифаси бўйича қарор қабул қилади, сўнгра гуруҳ билан маслаҳатлашади. Ўйин якунида ҳар бир иштирокчи ва гуруҳ эришган натижаларига қараб баҳоланади. Қуйида “Ишбоп ўйин” методининг тузилмаси келтирилган.

- Ўйин шартлари ва баҳолаш мезонлари билан таништириш;
- Вазифаларни тақсимлаш;
- Вазифалар бўйича иштирокчилар қарор қабул қиладилар;
- Ўйинни амалга ошириш;
- Муҳокама қилиш; баҳолаш.

**“Ишбоп ўйин” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мавзу танлайди, мақсад ва натижаларни аниқлайди. Қатнашчилар учун йўриқномалар ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади.

2. Таълим олувчиларни ўйиннинг мақсади, шартлари натижаларини баҳолаш мезонлари билан таништиради.

3. Таълим олувчиларга вазифаларни тақсимлайди, маслаҳатлар беради.

4. Таълим олувчилар ўз роллари бўйича тайёргарлик кўрадилар.

5. Таълим олувчилар тасдиқланган шартларга биноан ўйинни амалга оширадилар. Таълим берувчи ўйин жараёнига аралашмасдан кузатади.

6. Ўйин якунида таълим берувчи муҳокамани ташкил этади. Экспертларнинг хулосалари таингланади, фикр-мулоҳазалар айтилади.

7. Ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари асосида натижалар баҳоланади.

Ҳар бир ролни ижро этувчи ўз вазифасини тўғри бажариши, берилган вазиятда ўзини қандай тутиши кераклигини намойиш эта олиши, муаммоли ҳолатлардан чиқиб кетиш қобилиятини кўрсата олиши керак.

**“Ишбоп ўйин” методининг афзалликлари:**

- Таълим олувчиларнинг билимларини ва тажрибаларини, қарашлари

ва хулқлари орқали ифода этишга ёрдам беради;

- Таълим олувчининг бошланғич билимлари тажибаларини сафарбар этиш учун яхши имконият яратилади;

- Таълим олувчилар ўз билимлари доирасидан келиб чиққан ҳолда имкониятларини намойиш этишлари учун шароит яратади.

#### **“Ишбop ўйин” методининг камчиликлари:**

- Таълим берувчидан катта тайёргарликни талаб этади;  
вақт кўп сарфланади;

- Танланган мавзу таълим олувчининг билим даражасига мос келиши талаб этилади;

- Таълим олувчининг ҳис-ҳаяжони тўғри қарор қабул қилишга халақит бериши мумкин.

## **20. Лойиҳалар методи**

Лойиҳалар методи билим ва малакаларни, таҳлил қилиш ва баҳолашни амалий қўллашни назарда тутувчи таълимнинг мажмуавий методини амалга оширади. Бошқа методларга қараганда, бу методда таълим олувчилар режалаштиришда, ташкил қилишда, текширишда, таҳлил қилишда ва бажарилган ишнинг натижаларини баҳолашда кўпроқ иштирок этадилар.

Лойиҳалар методида таълим беришда фақат натижалар эмас, балки жараённинг ўзи кўпроқ қимматлироқдир. Лойиҳа индивидуал бўлиши мумкин, лекин, одатда ҳар бир лойиҳа ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир.

Лойиҳа бир фанга оид, фанлар орасида ёки фандан ташқари бўлиши мумкин.

Лойиҳа устида ишлаш жараёнида, сизнинг фаолиятингиз қуйидагилардан иборат бўлади:

- таълим олувчиларга ахборот қидиришга ёрдам бериш;
- ўзингиз ахборот манбаи бўлишингиз;

- бутун жараёни мувофиқлаштиришингиз;
- таълим олувчиларни қувватлашингиз ва тақдирлашингиз;
- узлуксиз қайтар алоқани кўллаб-қувватлашингиз.

Лойиҳали таълим бериш ўқув жараёнини фаоллаштиради, чунки у:

- шахсга йўналтирилган;
- жуда кўп дидактик ёндашувлардан фойдаланилади;
- ўзини-ўзидан мотивлайдиган, бу ишга қизиқиш ва жалб қилинишни унинг бажарилишига қараб ортиши демакдир;
- ўзининг ва ўзгаларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ва аниқ ишда ўрганишга имкон беради;
- ўз меҳнатлари самарасини кўриб турган таълим олувчиларга қониқиш келтиради.

**21. Блум саволлари.** Таълим олувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиришнинг муҳим омили – ўқитувчининг уларга ва таълим олувчиларнинг ўзаро бир – бирига берадиган саволлари экан. Таъкидланишича, ўқитувчиларни таълим олувчиларга берган саволларининг 80 – 85 фоизи, фақат далилий билимларнигина талаб қилиб, улар жавоб беришда хотирада қолганларини такроран сўзлаш (башорат) билангина чекланар эканлар.

Тўғри жавоби ўқув адабиётларида яққол баён этилмаган ёки ўқитувчи томонидан айтиб берилмаган саволгина таълим олувчини фикрлашга мажбур қилади. Бундай саволларга жаҳон педагогикасида “Блум саволлари” номи билан машҳур ва ўзлаштиришнинг олтита; билиш, тушиниш, кўллаш, таҳлил, синтез ва баҳолаш даражаларига мувофиқ бўлган саволлар мисол бўлиши мумкин. Масалан: “нима учун?”, “таққосланг?”, “таркиб қисмларга ажратинг?”, “энг муҳим хусусиятлари нима?”, “буни сиз қандай ҳал қилган бўлардингиз?”, “бунга мунособатингиз қандай?”, каби саволлар таълим олувчиларга юқори интеллектуал амаллар (таҳлил, синтез, баҳолаш) даражасида фикрлашга ундайди. Ёки, матндан парча ўқиб бўлгандан сўнг,

таълим олувчиларни фикрлашга ундовчи қуйидаги саволларни бериш ҳам мақсадга мувофиқдир: “бу парчага қандай саволар қўйиш мумкин?”, “сиз муаллифга қандай савол берган бўлардингиз?”.

Таълим олувчининг таълим олувчиларга берадган саволлари тўғрисида фикр юритилар экан, унинг аниқ, лўнда,, тушунарли ва ихчам бўлиши ҳамда бир савол фақат битта ўқув элементи (тушунча, қонун, қоида ва ҳ.к.) сўралиши зарурлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Берилган саволлар мазмунида мавзуга ёки матнга оид таянч сўз ва иборалардан фойдаланиш ҳам муҳимдир.

**22. Синквейн (ахборотни йиғиш).** Ўрганилаётган материални тўлақон ва пухта англаш учун қўлланиладиган интерфаол методларидан бири бўлиб ҳисобланади. Синквейн – французча беш қатор ўзига хос, қофиясиз шеър бўлиб, унда ўрганилаётган тушунча (ҳодиса, воқеа, мавзу) тўғрисидаги ахборотёйилган ва йиғилган ҳолда , таълим олувчи сўзи билан, турли вариантларда ва турли нуқтаи назар орқали ифодаланади. Синквейн тузиш – мураккаб ғоя, сезги ва ҳиссиётларни бир нечагина сўзлар билан ифодалаш учун муҳим бўлган малакадир. Синквейн тузиш жараёни мавзунини пухтароқ англашга ёрдам бериш билан бирга, таълим олувчиларнинг критик фикрлаш қобилиятини юқори даражада ривожлантиради.

#### **Синквейн тузиш қоидаси:**

1. Биринчи қаторда мавзу (топшириқ) бир сўз, одатда от билан ифодаланади (ким?, нима?).
2. Иккинчи қаторга мавзуга оид иккита сифат ёзилади (қандай?, қанақа?).
3. Учинчи қаторда мавзу доирасидаги ҳатти – ҳаракат (функцияси – вазифасини англатувчи) учта сўз (фееъл) билан ифодаланади.
4. Тўртинчи қаторга мавзуга нисбатан тасаввур (ассоциация)ни англатувчи ва тўртта сўздан иборат бўлган фикр (сезги) ёзилади.
5. Охириги мавзуга моҳиятини такрорлайдиган, маъноси унга ўхшаш бўлган битта сўз (синоним) ёзилади.

## **24. “Муаммоли вазият” методи.**

**“Муаммоли вазият” методи** – таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга кодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. “Муаммоли вазият” методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар.

“Муаммоли вазият” методининг тузилмаси қуйидагича:

- Муаммоли вазият тавсифини келтириш;
- Гуруҳларга бўлиш;
- Гуруҳларнинг муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш:
- Гуруҳларнинг муаммоли вазиятнинг оқибатлари тўғрисида фикр юритиши;
- Гуруҳларнинг муаммоли вазиятнинг ечимини ишлаб чиқиш;
- Тўғри ечимларни танлаш.

**Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақса, вазифалари ва шартлари билан таништиради.
3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиладилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммонинг ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадиладар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

“Муаммоли вазият” методининг афзалликлари:

- Таълим олувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиради;

- Таълим олувчилар муаммонинг сабаб, оқибат ва ечимларини топишни ўрганадилар;

- Таълим олувчиларнинг билим ва қобилиятларини баҳолаш учун яхши имконият яратилади;

- Таълим олувчилар фикр ва натижаларни таҳлил қилишни ўрганадилар.

“Муаммоли вазият” методининг камчиликлари:

- Таълим олувчиларда юқори мотивация талаб этилади;

- Қўйилган муаммо таълим олувчиларнинг билим даражасига мос келиши керак;

- Кўп вақт талаб этилади.

**24. Кластер – “ахборотларни ёзиш”.** “Кластер” – инглизча сўз бўлиб, ғунча, боғлам маъносини англатади. Ахборотлар кластерларга ажратиш

интерфаол педагогик стратегия бўлиб, у кўп вариантли фикрлашни, рағбатлантириш учун қўллаш мумкин. Асосан, у янги фикрларни уйғотиш ва муайян мавзу бўйича анча фикр юритишга чорлайди. Кластер тузиш кетма – кетлиги қуйидагича:

- синф ёзув тахтаси ўртасига катта қоғоз варағига асосий сўз ёки гапни ёзинг;
- сизни фикрингизча бу мавзуга тегишли бўлган сўзлар ёки гапларни ёзинг (“ақлий ҳужум”) ўтказинг;
- тушунча ва ғоялар тўғрисидаги ўаро боғланишни ўргатинг.
- Эслаган вариантларингизнинг ҳаммасини ёзинг.

**25. Кубик.** Бу метод кўрилаётган масалани турли томондан, қадамба – қадам, осондан қийинга томон йўналишда тасаввур этиш имкониятини беради. Кубининг ҳар бир томони муайян топшириқни ифодалайди:

- Бу нима? Кўраётган нарсани ранги, ўлчамлари, шаклини тасаввур этинг, эсланг ва ёзма равишда таърифланг?
- Таққосланг: у нимага ўхшайди, нимадан фарқ қилади?.
- Ассоциация. Таъсуротингизни изоҳланг? У сизни нима тўғрисида ўйлашга мажбур қилади? Хаёлингизга нима келади?.
- Таҳлил қилинг. Бу нимадан ва қандай ясалган?, қандай қисмлардан тузилган?, нималардан ташкил топган?
- Қўлланг. Бу нимага ярайди? Уни қаерда қўллаш мумкин?
- “ҳа” ва “йўқ” ларни асосланг. Бунда ишончли далиллар ва асословчи фикрларни айтинг.

#### **“Кубик” методларини қўллаш босқичлари.**

- Мавзу (тушунча) эълон қилади.
- Тингловчилар (таълим олувчилар) якка тартибда ишлайдилар.

Кубикнинг ҳар бир томони учун топшириқ берилиб, 40 – 60 секунд вақт ажратилади



- Якка тартибда иш тугаганидан сўнг, гуруҳларда муҳокама қилинади.

- “кубик”ни ҳар бир микро гуруҳдан бир вакил тақдимот қилади.

“Кубик” методи масала (топшириқ)га турли томондан ёндашиш малакаларини шакллантиради ва таълим олувчиларнинг таҳлил, синтез ва баҳолаш интеллектуаллик даражаларида фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

**26. График ташкилотчилар.** Бу – бирор ўқув материални ўзлаштиришда, ундаги фикрлаш жараёнини кўргазмали тасвирлаш методлари бўлиб ҳисобланади. Юқорида баён қилинган кластердан ташқари, график ташкилотчиларнинг яна учта, жуда самарали методлари мавжуд. Булар – Т – схема, концептуал жадвал ва Венн диаграммасидир.

**А) Т – схема.** Бу интерфаол метод қиёсий тушунчалар (“ҳа”/ “йўқ” ёки “розиман” / “қаршиман”) нинг универсал ташкилотчиси бўлиб, бир – биридан кескин фарқ қилувчи ёки қарама – қарши, баъзан турлича мезонлар билан фарқ қилувчи фикрларни кўргазмали ва ихчам тарзда тасвирлашга қулайлик яратади. “интерфаол методлардан фойдаланиб ўқитишга муносибат” мавзусига оид Т – схемани қуйидагича тасвирлаш мумкин.

**27. Венн диограммаси.** Бу интер фаол метод икки ёки ундан ортиқ тушунчаларнинг ўзига хос ва умумий жиҳатларини таҳлил қилиш ва умумлаштиришда қўлланилади. Бунда ўнг ва чап доираларга тушунчаларнинг ўзига хос жиҳатлари, доираларнинг кесишган соҳасига эса, улар учун умумий бўлган жиҳатлар ёзилади. Масалан, “назарий машғулот” тушунчалари учун Венн диограммаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

**28. Зиг – заг – 1.** бу ўзаро ҳамкорликда (биргаликда) ўқиш методи бўлиб ҳисобланади. Уни ўтказиш методикаси қуйидагича:

- Матн унинг ҳажмига боғлиқ ҳолда қисмларга ажратилади. Тингловчилар (таълим олувчилар) ҳам матн қисмларига боғлиқ бўлган ҳолда 4 – 6 кишидан иборат микрогуруҳларга бўлинади;

- Тингловчилар ўз рақамларига мос бўлган янги (корпорацион) гуруҳларга жамланадилар. Ҳар бир гуруҳ аъзоси матннинг ўз рақамларига тегишли қисмини (1 – рақамлилар биринчи қисмини, 2 – рақамлилар иккинчи қисмини ва ва ҳ.к.) ўқиб чиқадилар ва ўқилган қисимни баён этишнинг умумий стратегия (фикрни) ишлаб чиқадилар;

- Тингловчилар ўзларининг дастлабки “қадрдон” гуруҳларига қайтадилар ва уларнинг ҳар бири ўзи ўқиган матн қисмини шундай баён қилиши керакки, гуруҳ аъзоларида матннинг тўла мазмуни бўйича яхлит тасаввур ҳосил бўлсин. Шундан сўнг бир таълим олувчи матннинг тўла мазмунини баён қилади;

- Айрим гуруҳ аъзолари ўз фикрларини баён қилшлари мумкин.

**29. Зиг – заг 2.** Бу зиг – заг – 1 методининг ўзи, лекин ундан фарқи, таълим олувчиларга тақдим этган матннинг ҳар қисми бўйича аниқ топширик (савол) берилади. Улар ўз гуруҳларига қайтганларидан сўнг, берилган топшириқлар бўйича фикрларини баён қиладилар.

**30. “Биламан – билишни хоҳлайман – билиб олдим” (Б - Б - Б).** матнни интерфаол ўқитиш – ўзлаштириш методаридан бири бўлиб, у ҳам инсерт методи каби жадвал кўринишида бажарилади ва у қуйидагича қўлланилади: таълим олувчиларга бирор мавзу эълон қилинади. Бу тўғрида улар маълум бўлган ахборотларни жадвалнинг “биламан” қисмига, мавзу бўйича яна қандай маълумотларни билишни хоҳлашса, уларни жадвалнинг “билишни хоҳлайман” қисмига ёзадилар. Сўнгра, уларга мавзуга оид матн тарқатилади. Улар микрогуруҳлар таркибида матнни мустақил ўзлаштириб, жадвалнинг “билиб олдим” қисмини тўлдирадилар. Ҳар бир микрогуруҳ сардори (вакили) тузилган жадвалларни тақдим қиладилар. Жадвалнинг барча қисмлари таққосланиб, таълим олувчиларда мавжуд бўлган ва қўшимча ўзлаштирилган ахборотлар таққосланиб, мунозара қилинади ҳамда мавзунинг ўзлаштирилганлиги таҳлил қилинади.

**31. Икки қисмли кундалик.** Бу интерфаол метод таълим олувчиларга ўқитилаётган матн мазмунини ўз тажрибалари билан боғлаш ва ўзларининг

шахсий сичиковликка бўлган эҳтиёжини қондириш учун имконият яратади. У айниқса, таълим олувчилар матнни дарсдан ташқари вақтда ўқиб – ўзлаштиришларида самарали бўлади. Икки қисмли кундалик тузиш учун, таълим олувчи варақни ўртасидан тиккасига чизиб, икки қисмга бўлади: чап қисмига матннинг энг яққол таасуроти қолдирилган сатрбоши ёки қисмлари ёзилади, ўнг қисмига эса, нима учун айнан шу ёзилганлар унга кўпроқ таъсир кўрсатганлигининг сабабини ёзади. Бундай сабаблар - шахсий ҳаётида бўлиб ўтган айрим воқеа ва ҳодисаларни эслатгани, қалбида қатъий норозилик уйғотгани ёки ўзига шунчаки мақсад қилиб қўйган ва ҳоқозолар бўлиши мумкин. Ўқитувчи ўқилаётган матн бўйича нечта ёзув бўлиши зарурлигини топширикни қабул қилаётганида уни эътиборга олиши зарур.

**32. Эссе** – французча тажриба, дастлабки лойиҳа, шахснинг бирор мавзуга оид ёзма равишда ифодаланган дастлабки мустақил эркин фикри. Бунда тингловчи ўзининг мавзу бўйича таъсуротлари, ғояси ва қарашларини эркин тарзида баён қилади. Эссе ёзишда хаёлга келган дастлабки фикрини зудлик билан қоғозга тушириш, иложи борича ручка (қалам) ни қоғоздан узмасдан – тўхтамасдан ёзиш, сўнгра матнни қайта таҳлил қилиб, иакониллаштириш тавсия этилади. Эссени муайян мавзу, таянч тушунча ёки эркин мавзуга бағишлаб ёзиш тавсия этилади. Баъзан, айниқса тарбиявий соатларда таълим олувчиларга ўзларига ёққан мавзу (тушунча) бўйича эссе ёздириш ҳам яхши натижа беради.

**33. Асословчи эссе** – бу шундай эссе – ки, унда эссе муаллифи бирор мавзу бўйича муайян нуқтаи – назарга эга бўлиб, эссе мазмунида уни ҳимоя қилади, бунинг учун бир қатор асословчи далиллар келтирилади.

**34. Техник диктант** – техникага оид матндаги айрим сўзлар, формула ёки бирор фикр тушириб қолдирилиб, диктовка қилинади (ёки магнитофонда эшиттирилади). Таълим олувчилар эса, ҳар бир бўш қолган жойга оид жавобларни ўзлари топиб ёзиб борадилар. Техник диктантни барча фанлардан қўллаш тавсия этилади.

**35. Такриз** – бу ўқилган матнни ижобий ёки салбий нуқтаи назардан баҳолашдир. Такриз ёзишда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

- Такриз – матнни ўқиган кишининг, бу ҳақдаги шахсий фикри баёни бўлиши лозим, матндан кўчириб ёзиш ёки уни қайта таърифлаш қабул қилинмаган;
- Такризда матн, уни ўқиган киши шахсий тажрибасининг қайси жиҳатларида намоён бўлганлигини кўрсатиши ва холисона бўлиши лозим;
- Такриз муаллиф билан мулоқотга киришишнинг бошланғич босқичи бўлиб ҳисобланади.
- Такризда бир неча баҳоловчи фикрлар, “бу мақола фойдали, чунки менга . . . . .”, “бу мақола (китоб) менга ёқди, чунки, . . . . .”, “мени муаллиф билан фикрим бир хил (бир хил эмас), чунки, . . . . .”. такриз ёзишда қуйидаги кетма – кетликка риоя қилинади: мақола (китоб) муаллифи, номи, мавзуси, тузилиши ва баён этилиш методи, ижтимоий аҳамияти, беғараз танқидий фикрлар ва яқунловчи хулоса.

**36. “Портфолио”** – инглизча сўз бўлиб, “портфел” ёки “портфеллар тўплами” деган маънони англатади. Портфолионинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, ўқув жараёнидаги портфолио муайян фандан ҳар бир таълим олувчи учун курс, семестр давомида юритилади. унда таълим олувчиларнинг баҳолаш турлари – жорий, оралик ва мустақил ишлари бўйича бажарган топшириқлари ва уларга ўз вақтида қўйилган ўзлаштириш баллари жамлаб борилади. Портфолио юргизиш талбаларнинг семестр (курс) ва ўқув муддати давомидаги ўзлаштиришларини ва мустақил иш топшириқларини мунтазам равишда бажариб борганлиги тўғрисидаги далилий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. портфолио педагогик жараёнда ўқитувчига – таълим олувчилар эришаётган ўқув ютуқлари мониторингини юргизиш имкониятини яратади ҳамда ўзлаштириш балларининг ҳаққонийлиги ва ишончилигини таъминлайди; таълим олувчига эса, ўз билим савияси ортаётганлигини ҳамда шахсининг ривожланаётганлигини ўз кузатиб бориш имкониятини яратади.

**37. Синектика методи.** Синектика методи «мия жанги»билан бир хилдаги элементларга эга бўлиб, аналогияга асосланган тўртта стул – амални ўз ичига олади:

1. Бевосита аналогия (маскур муаммога ўхшаш муаммолар қай тариқа ҳал қилинади).
2. Шахсий аналогия (топшириқда берилган объект образига кириб, ўша кишининг нуқтаи назаридан мушоҳада қилиш).
3. Рамзий аналогия (муаммо моҳиятини бир неча сўзлар билан образли қилиб таърифлаб бериш).
4. Хаёлий аналогия (эртак қаҳрамонлари бу муаммони қай тариқа ҳал қилган бўлур эдилар).

Бунда ўқув материални аниқроқ бўлиб англашилади, ўзлаштирилади, хотирада узокроқ сақланиб қолади ва амалий ҳамда илмий мақсадлар аниқроқ тадбиқ этиладиган бўлади. Бошқача айтганда, талаба анча ўқувли талаба, ўқитувчи эса, яхшироқ ўргатадиган ўқитувчи бўлиб қолади.

**38. Можаро методи.** Одатда ташқари, фавқулотдаги вазиятларда қилинадиган ҳатти-ҳаракатларни таълим олувчиларга ўргатиш мақсадида қилиниб кафедраларда можаро методи қўлланилади. Таълим олувчига муаммо юзасидан вазиятга доир ҳар қандай топшириқ кўринишидаги қисқача ахборот тақдим этилади. Мана шу топшириқни таҳлил қилиб чиқиш ва 1 –1,5 минут ичида тезгина қарор қабул қилиш зарур. Бу методика таълим олувчиларнинг фикр қилинишини жуда ҳам фаоллаштиради ва уларни фавқулотдаги вазиятларда ишлашга ўргатади. Бу ўринда иш ҳаракатлар ўзлаштириш коэффицентининг юқори шкаласи бўйича баҳоланади. Иш – ҳаракатларини бехато бажариш 1,0 га тенг бўлиши керак. Муҳими – топшириқни тўла бажариш эмас, балки тезлик билан, чаққон бажаришдир. Таълим олувчи топшириқнинг биринчи галда уддалаш керак бўлган қисмини бажариши мумкин, бу ҳам унинг ўқишида аҳамиятга эга.

Метод машғулотнинг турли босқичларида қўлланилади, лекин ундан янги материални ишлаб чиқиш ва мустаҳкамлашга қаратилган асосий босқичда ҳаммадан кўп фойдаланилади.

- таълим олувчининг фикрлашини фаоллаштиради;
- таълим олувчининг «фалокатлар тиббиёти» шароитлирига тайёргарлигини назорат қилади;
- иш-харакатларнинг чаққонлигига баҳо беради.

### **39. Думалоқ стол методи.**

Топширик ёзиб қўйилган қоғоз варағи давра бўйлаб ўтказилади. Ҳар бир таълим олувчи ўзининг жавоб вариантини ёзиб қўяди ва варақни бошқа таълим олувчига узатади. Ҳамма таълим олувчилар ўз жавобларини ёзиб қўйишади, кейин муҳокама бўлади: нотўғри жавоблар ўчирилади, тўғри жавобларнинг сонига қараб таълим олувчининг билимларига баҳо берилади. Бу методни фақат ёзма шаклда эмас, балки оғзаки шаклда ҳам қўлланиш мумкин.

### **40. “Ручка стол ўртасида” методи.**

Бутун гуруҳда топширик берилади. Ҳар бир таълим олувчи битта жавоб вариантини бир варақ қоғозга ёзиб уни қўшнисига беради, ўз ручкасини эса, столнинг ўртасига суриб қўяди.

### **41. Ротация методи билан фикрларни кўриб чиқиш.**

Бу метод машғулот мавзуини ҳар бир кичик гуруҳ алоҳида-алоҳида муҳокама қилиб чиқиши ва ёзганларини бутун гуруҳ таҳлил қилиб кўриши учун қўлланилади.

Ҳар бир кичик гуруҳ 30 минут давомида 3 та топшириқни муҳокама қилади, кейинги 15 минут давомида эса, муҳокама биргаликда ўтказилади.

Аудиторияга тартиб рақамлари билан белгиланган бир нечта топширик осиб қўйилади. Ҳар бир кичик гуруҳ (2-3 киши) 10 минут давомида муҳокама қилиб, ўз жавобининг вариантини ёзиб олади-да, сўнгра кейинги топшириққа ўтади ва охиригача шундай қилиб боради.

### **42. Давралар.**

Таълим олувчилар давра куриб ўтириб, таклиф этилган саволни галмагал изоҳлаб чиқишади. Ҳар бир таълим олувчи ўз фикрини баён қилиб, муҳокамага фойдали улуш қўшиш имконига эга бўлади, чунки барча катнашчиларнинг фикрини билиш муҳим. Лекин катнашчилар ўз ихтиёри билан навбатини ўтказиб юборадиган бўлса, бу-тамомила одатдагича ҳол. Баъзан қандай бўлмасин бирор буюм (асбоб, прибор) давра бўйлаб ўтказилади ва уни олган таълим олувчи ўз фикрини айтиш ҳуқуқига эга бўлади.

Давра бўлиб ишлашда ҳамма, жумладан ўқитувчи ҳам, тенг ҳуқуқлидир; ҳамма бир-бирини кўриб туриши, визуал алоқани қўллаб-қувватлаб бориши ва шу билан бир вақтда сўзлаётган кишининг гапларини диққат билан тинглаши мумкин. Раундлардан кўпгина мақсадларда, жумладан, баҳо бериш, муаммони ҳал қилиш, ижобий мустаҳкамлаш, даврани режалаштириш, ўтказиш учун фойдаланса бўлади.

#### **43. “Галереяни айланиш” методи.**

Кичик гуруҳларнинг ҳамма аъзоларига битта муаммо таклиф этилади. Ҳар бир гуруҳ 10 минут давомида ўз фикрларини ёзади-да, жавоблар зикр этилган варақларни иккинчи гуруҳ билан алмаштиради. Кейинги гуруҳ олдинги гуруҳнинг жавобларини баҳолаши ва жавоб тугал бўлмаса, ўз вариантини таклиф этиши керак.

#### **44. “Академик мунозара” методи.**

Гуруҳ 2 командага бўлинади, буларнинг ҳар бирига вазиятга доир топшириқ берилади. Ҳар бир командада 1-2 нафар таълим олувчи консультациянинг ижобий томонларини муҳокама қилади – булар “адвокатлар” бўлади, бошқалар эса, консультациянинг салбий томонларини таҳлил қилиб чиқади-булар “прокурорлар”дир.

“Адвокатлар” билан “прокурорлар”нинг қўлга киритган натижалари маълум қилинади ва бутун гуруҳ томонидан муҳокама қилиб қичилади.

Бу методика таълим олувчининг ўша кунги мавзу юзасидан чуқур билимларга эга бўлишини талаб қилади, чунки вазиятга доир топшириқ ёки

ролли бўлсин, “прокурорлар” томонидан бўлсин, обдон англаб олиш ва далиллар билан изоҳлаб беришни талаб этади.

#### **45. “Қор бўрон” методи.**

Икки гуруҳ таълим олувчи бир муаммо ёки вазиятни энг кўп миқдорда тўғри жавоблар олиш мақсадида биргаликда муҳокама қилишади.

Ҳар бир тўғри жавоб “юмалоқланган қор” кўринишида ўша гуруҳга балл тариқасида ёзиб қўйилади. Энг кўп балл олган гуруҳга аъло баҳолар қўйилади.

#### **46. “Асалари галаси” методи.**

Муаммони ё бутун гуруҳ ёки иккита кичик гуруҳ томонидан муҳокама қилиб чиқишга мўлжалланган. Топшириқлар ҳар хил ёки бутун гуруҳга битта бўлиши мумкин. Гуруҳлар муаммонинг ечимини 10-15 минут давомида муҳокама этиб, ҳамкасбларига маълум қилишади. Энг яхши вариант танлаб олинади.

#### **47. Гуруҳ динамикаси методи.**

Бу метод катта тайёргарлик ўтказишни талаб қилади ва ўқув жараёнининг барча босқичларида таълим олувчиларнинг юқори даражада фаол бўлишини кўзда тутаяди. Таълим олувчилар гуруҳи учта кичик гуруҳга бўлинади. Буларнинг ҳар бирида етакчи (ҳаммадан кўра билимдонроқ таълим олувчи), маърузачи (кичик гуруҳнинг умумлаштирилган нуқтаи назарини тайёрлайди), рассом (маърузада намойиш этиладиган материалларни тайёрлайди, ҳисобчи (кичик гуруҳ фикрларининг умумлаштирилган кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқаяди) танланади ва ҳоказо.

Машғулотлар учта кичик гуруҳда ягона дастур бўйича баравар олиб борилади. Уччала кичик гуруҳнинг ялпи мажлисида (семинарида) улардан ҳар бирининг фикри тингланади ва муҳокама қилинади.

Ўқитиш муолажаси қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- бутун гуруҳ учун ўртага вазифа қўйиш;
- кичик гуруҳларда ишлаш (куннинг ўртасида);
- бутун гуруҳнинг ялпи мажлиси (кун охирида).



Шу тариқа ёндашишда таълим олувчилар бир-бирига боғлиқ вазифаларни комплекс тарзда изчиллик билан ҳал қилиб борадилар. Гуруҳнинг умумлаштирилган фикри пленар семинар натижасида аниқ билиб олинади.

#### **48. Дискрет динамика методи.**

Бу метод муаммони ўрганишга систематик тарзда ёндашишга асосланган. Ундан муаммога қаратилган деб аталувчи курслар учун фойдаланилади, бундай курсларда махсус танланган таълим олувчилар ҳайъати тайинли аниқ бир муаммони алоҳида методика ёрдамида тасвирлайди.

**1-босқичда** муаммо таркибий қисмларга- субмуаммоларга ажратилади ва мазкур муаммони ҳал қилишни тасвирлаш учун зарур таркиб аниқлаб олинади.

**2-босқич** субмуаммолар яна майдалаштирилиб, вазифаларга ажратилади.

**3-босқич** хусусий семинарлар ташкил этилади. Тор соҳадаги ҳар бир мутахассислар гуруҳи учун алоҳида аудитория керак. Жуда бўлмаганида тор соҳадаги мутахассисларнинг 4 гуруҳини битта аудиторияга жойлаштириш мумкин.

**4-босқич** ёндош семинарлар ўтказилади. Бу босқич ташкилий жиҳатдан ҳаммасидан мураккаб ҳисобланади, чунки йрим ёндош вазифаларни ҳал қилиш учун таълим олувчилар гуруҳини қайта тузишга тўғри келади.

**5-босқич** умумий (комплекс) вазифалар муҳокама қилинади, уларни ҳал қилиш учун тегишли мақсадга қартилган комплекс дастур ишлаб чиқилади.

Бу хилдаги машғулотлар турли фанлар ва кафедралар учун умумий бўлган муаммолар юзасидан интеграллашган семинарлар ёки амалий машғулотлар ўтказишда бу методикадан айниқса муваффақиятли фойдаланиш мумкин.

#### **49. Коса методи.**

Бу методнинг номи стуллари жойлаштириш схемасидан олинган. Коса очик ёки ёпиқ бўлиши мумкин. Ёпиқ коса мана бундай ўтказилади: стуллар бири иккинчисининг ичида турган айлана кўринишида қўйилади.

Марказга жойлашган гуруҳ мунозарада фаол иштирок этади, ташқи айланадагилар эса, статистлардир: марказий доира ичида ўтирганлар, маълум бир кишини ёки бутун жараёни кузатиб борадилар. Муҳокама тугаганидан кейин статистлар фикр алмашишади, шунингдек ё кўриб чиқиладиган масалалар хусусида ёки мажлис ва муҳокамада иштирок этиш имкони чеклангани хусусида ушбу муҳокаманинг уларга нечоғлик тегишли бўлганини изоҳлаб беришади. Ўқитувчининг тескари алоқадан қандай фойдаланиш ва қай тарика фикр алмашиши кераклигини тушунтириб бериши муҳим аҳамиятга эга. Мана шу кузатувларни қайд қилиб бориш осон бўлиши учун ташқи доирадаги гуруҳнинг бир аъзоси назорат рўйхатини тузади.

#### **50. “Думаловчи қор уюми” тамойили бўйича шуғулланиш методи.**

Думаловчи қор уюми – ўқув машғулоти ўтказиш методининг рамзий номи бўлиб, бу машғулот фикр қилиб, мулоҳаза юритиб кўриш учун таълим олувчиларнинг ҳар қайсисига вақт беришдан бошланади. Кейин икки, тўрт, саккиз кишили ва шу тарика бутун гуруҳ аъзолари қатнашадиган қилиб тузилган гуруҳларда муҳокама бошланади. Бу метод гуруҳнинг ҳар бир аъзосига бутун гуруҳнинг билимлари ва тажрибасидан фойдаланиб туриб, ўз нуқтаи назарини баён қилиш, ахборот ва изоҳлардан иборат аралаш ҳолдаги бой фикрларни билдиришга имкон бериш мақсадини кўзда тутаяди. Кичик гуруҳлар билан олиб бориладиган иш гуруҳнинг қандай бўлмасин бирор аъзоси ҳамманинг диққатини ўзига қаратиб, ўз билимларига қамроқ ишонадиган таълим олувчиларни эзиб қўйиши хавфини камайтиради. Методнинг афзаллиги гуруҳ аъзоларининг қобилиятларидаги тафовутларни бир қадар осонлик билан текислаб олиш мумкинлигидир.

#### **51. “Синдикат” методи.**

Гуруҳ 3 та кичик гуруҳга бўлинади, таклиф этилаётган топшириқни уч хил нуқтаи назардан ҳал қилиш зарур.

Шундай қилиб, муҳокама вақтида таълим оловчилар битта касалликка турли шароитларда даво қилиш вариантларини кўздан кечириб чиқишади ва давога доир адабиётда берилган тавсияномаларни-даво қандай бўлиши кераклигини муҳокама қилишади. Йўл қўйилган хатоларни кўришади, ўз билимларини ошириб, танқидий нуқтаи назардан фикр юритишни ўрганишади.

### **52. “Аквариум” методи.**

Гуруҳдан ихтиёрий равишда 3 киши танлаб олинади. Булар аудиториянинг ўртасидан жой оладилар-гўёки “балиқ”, қолганлар эса, кузатувчи бўлишади. Шу кичик гуруҳга бир вазият таклиф этилади, улар буни 10-15 минут давомида биргалда муҳокама қилишлари, кузатувчилар эса, даврадаги ўртоқларининг тўғри ёки нотўғри жавобларини ёзиб боришлари муҳокама қилишади, кейин версияси таклиф этилади, уни кузатувчилар муҳокама қилинаши, кейин кузатувчилар ўз версияларини таклиф этишади, шу версиялардан энг яхшисининг муаллифи ўз версиясини таклиф этмаган таълим оловчи ўрнига кичик гуруҳга ўтади.

Бир методни худди “Нима, қаерда ва қачон?” деган ўйин сингари ўтказиш мумкин, ўқитувчи олдиндан тайёрлаб қўйилган саволларни беради, таълим оловчилар буларни 1 минут давомида муҳокама қилиб, жавоб беришади. Жавоблар қаноатланарли бўлмаса, столга бошқа уч нафар таълим оловчи бориб ўтиради.

### **53. Мунозара – маъруза.**

Ушбу методдан фойдаланилганида ўқитувчи маъруза қилади, шунингдек аудиториянинг саволларига жавоб беради ва ўз навбатида, ўзи ҳам саволлар беради. Бу метод 10-20 нафар таълим оловчилардан иборат гуруҳларда ҳаммадан яхши натижа беради. Биок, гуруҳ ҳайъати катталашиб борган сайин таълим оловчилар тобора камроқ фаоллик билан савол беришади, ўқитувчида эса, таълим оловчиларнинг фамилияларини эслаб

қолиш имкони тобора кўпроқ камаяди. Шундай қилиб, ўқитувчи билан гуруҳ катнашчилари ўртасидаги муносабатлар тобора расмий бўлиб бораверади. 70 кишидан ортиқ гуруҳларда мунозара – маъруза анъанавий маърузадан кейинда туради.

Кичик ва ўртача гуруҳлар учун мунозара-маърузалар анъанавий маърузаларга қараганда, одатда, афзалроқ бўлади, чунки улар ўқитишга доир юқорида айтиб ўтилган ҳамма ёндашувларни татбиқ этишга имкон беради.

**54. “Ажурли арра”** ажур французча “ajour” сўзидан олинган бўлиб “бир ёқдан иккинчи ёққа ўтган, икки томони очик” маъносини англатади. Бу метод тузилиши жиҳатидан ўзида қуйидаги босқичларни қамраб олади.

1. Топшириқни бўлиш (топшириқ ва матинли материаллар бир нечта асосий қисмларга ёки мавзуларга қирқилади)

2. Бирламчи гуруҳ. Ҳар бир гуруҳ аъзолари қирқилган мавзунини олишади ва экспертларга айланадилар.

3. Эксперт гуруҳлари. Ўқув топшириқни олган таълим олувчилар мавзунини муҳокама қилиш ва бошқаларга ўргатиш учун эксперт гуруҳга бирлашадилар.

4. Бирламчи гуруҳлар. Таълим олувчилар ўзларининг бирламчи гуруҳларига қайтадилар ва эксперт гуруҳларга ўрганганларини ўқитишади.

**55. “Меню”** Бу методда гуруҳ кичик гуруҳчаларга бўлинади ва гуруҳчаларга аниқ топшириқ берилади. Ҳар бир гуруҳ топшириқ олгач уч дақиқа ичида топшириқни муҳокама қилишади, кейин ҳар бир гуруҳдан биттадан вакил ўқитувчи столи ёнига келиб, олдиндан тайёрлаб қўйилган “меню”ни олиб жойларига ўтиришади. Бу “меню” да хилма хил топшириқлар, саволлар ёзилган бўлади. Шу тариқа гуруҳчадаги ҳар бир таълим олувчи келиб “меню” ни олиб унда ёзилган топшириқ вазифаларини бажаришади. 10 дақиқа давомида топшириқ муҳокама қилинади ва жавоблар ёзма ёки оғзаки равишда берилади, ўқитувчи гуруҳ ишларини, сардор фаолиятини баҳолаб боради.

**56. Дебат.** Бу методнинг асосий мақсади муаммонинг ечимини топишда таълим олувчи ўзгаларни ўз ёндошувининг тўғрилигига иншонтиришдир. Ўз фикрини аниқ ва мантикий баён этиш бунинг учун ишонарли далиллар ва хулосалар топиш кўникмаларини шакллантиришда дебатлар ўтказилади. Бу методдан фойдаланиб дарс ўтишда маҳаллий мутахассислардан (олим, шифокор, муҳандис, ижтимоий арбоб, журналист ва бошқалар) таклиф этилади.

Дебатда қатнашиш учун иқтидорли таълим олувчилар танланади ва улар икки гуруҳига ажратилади: резолюцияни қўллаш қувватлайдиган ва уларга қарши чиқувчи иштирокчилар; улар дебатларни ўтказиш қондасини чуқур ўзлаштирган бўлишлари керак. Гуруҳ сардори регламентга риоя қилишни кузатувчи – ёрдамчини тайинлайди.

**57. “Танқидий фикрлаш”** Бу метод орқали таълим олувчи – таълим олувчиларда дарс жараёнидаги баҳсли саволларни ечишда бир-бирларини тинглаш, мулоқот олиб бориш, турлича фикрларни.

Таққослаш, бошқа киши тақдирига бефарқ қарамаслик кабиҳислатлар ривожланади, масалаларни ечиш ва тегишли ҳужум чиқариш, каби қобилиятлари ривожланади, тафаккур қилиш (фикр юритиш) тўғри ечимларни топиш малакаларини ўзлаштирадилар.

Бу метод ҳам фойдаланиш қуйидаги босқичлардан иборат.

1. Таълим олувчи – таълим олувчини ўз фикрини эркин ифодаланг
2. Ўз фикрини ойдинлаштириш.
3. Таълим олувчи – таълим олувчиларни фикрларини асосланганлигини текшириш.
4. Бошқалар фикрини ўргани.
5. Ўз ҳолатини ва ўзгалар фикрини таҳлил қилиш
6. Муаммо бўйича ечим қабул қилиш.

**58. “Қарорлар шажараси”** методдан бир мунча мураккаб мавзуларни ўзлаштиришда, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, бир муаммо

хусусида билдирилаётган бир неча хулосалар орасидаги энг мақбул ҳамда тўғриси топишга йўналтирилган методлар.

Бу метод аввалги вазиятларда қабул қилинган қарор, хулосалар моҳиятини яна бир бор таҳлил этиш ва уни ҳар томонлама тушунишга хизмат қилади. Бу метод орқали гуруҳдаги бир неча уй нафар таълим олувчиларнинг билимлари даражасини аниқлаш, уларнинг фикрларини тўплаш ва баҳолашга ёрдам беради.

Бу метод қуйидаги шартлар асосида фойдаланилади.

1. Ўқитувчи машғулот бошланишидан аввал мунозара – баҳс, таҳлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди. Гуруҳлар томонидан қабул қилинган хулоса – қарорларни ёзиш учун плакатларни тайёрлайди.

2. Ўқитувчи гуруҳ таълим олувчиларини 4 ёки 6 нафар қилиб гуруҳчаларга ажратади, муаммони ҳал этиш ва у ҳақида бирор қарорни қабул қилиш учун вақт белгилайди.

3. Қарорни қабул қилиш жараёнида гуруҳларнинг ҳар бир аъзиси томонидан билдирилаётган фикрларнинг маъқул ёки номаъқул даражаси ҳар томонлама муҳокама қилинади.

4. Берилган вақт ниҳоясига етгач, ҳар бир гуруҳ аъзолари ўз гуруҳи қарори тўғрисида ахборот берадилар зарур ҳолларда ўқитувчи раҳбарлигида.

Барча ўқитувчи – таълим олувчилар томонидан билдирилган хулоса – қарорларни бир-бири билан таққослайди, саволлар пайдо бўлса, жавоб бериб борилади, ноаниқ бўлган фикрларга аниқлик киритилади.

**59. “Мақтаб ўртоқлик суди”** (Ролли ўйин). Бу метод ёрдамида таълим олувчи – таълим олувчилар билан тарбиявий соатлар ўтказиш вақтда фойдаланиш яхши натижа беради. Бу методдан узлуксиз фойдаланиш мақсадида оммавий –ахборот воситалари, вақтли матбуот нашрлари саҳифаларида берилаётган, ёшлар ва уларнинг фаолиятлари масаласига таалуқли бўлган материалларни ўрганиб, уларни мазмунини ролли жараёнини ҳосил этиш орқали таълим олувчи – таълим олувчиларга намоиш қилиш усилдан фойдаланилади.

**60. “Адолат ўлкасига саёҳат”.** Буметод ролли ўйинлардан бири бўлиб, унинг мақсади-таълим оловчи – таълим оловчиларнинг ҳуқуқий билимларини чуқурлаштириш, уларда ҳуқуқий идрок ва зехнни шакллантиришдан иборатдир. Ушбу ўйин беллашув шаклида уюштирилади. Унда иккита ёки тўртта гуруҳ иштирок этиб бир қанча шартларни бажарадилар.

**61. “Тарози”.** Мазкур метод мунозарали, мураккаб мазмунли мавзуларни ўрганишда қўл келади. у танқидий тафаккур, мантик, ижодий импровизация, фикран тажрибаларни ривожлантиришга йўналтирилган. бу технология далиллаш қобилиятини ривожлантириш, ўз далилларини ёзма ва оғзаки шаклда ишончли ва лўнда ифодалашни шакллантиради, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилади, муҳолифларни ишонтиради, мунозара маданиятига ўргатади.

Асосий тушунчалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

мавзу турли нуқтаи назарларнинг тўқнашувига имконият берувчи ҳамда улардан бирортасига ҳам имтиёз бермайдиган тасдиқдир. мавзу шундай танланиши керакки, у ўрганилаётган мавзунинг барча қирраларини очиши, ўқувчиларнинг ахборот қидириш ҳамда изланувчанлик фаолиятларини рағбатлантирсин. аргумент - бу ўз нуқтаи назаринитасдиқлашга олиб келувчи асосли далил, ғоя, мулоҳазадир. далиллаш аниқ, мантиқий, асосланган бўлиши, фактлар, шарҳлар, мулоҳазалар, исботлар, мисоллар, иқтибослар, манбаларга, обрўли гувоҳномаларга ҳаволалар ва бошқалар билан қувватланган бўлиши керак. контраргумент (қарши далиллаш) - бу рақибнинг далилларини рад этиш бўлиб, у далиллашга қўйиладиган талабларга мос келиши керак. тўғри танланган контраргумент рақибнинг нуқтаи назарини заифлаштириши ҳамда ўзининг ҳимоя ёки рад этиш чизиғини мустаҳкамлаши лозим.

**62.”Елпиғич”** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли

ривожлантиришга ҳамда ўз гоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, химоя қилишга имконият яратади. Бу технология умумий мавзунинг айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг, ҳар бир қанташувчининг, гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган ва мавзунинг ўрганишининг турли босқичларида қўлланилиши мумкин:

бошида: ўз билимларини эркин фаоллаштириш;

мавзунинг ўрганиш жараёнида: унинг асосларини чуқур фаҳмлаш ва англаб етиш;

яқунлаш босқичида: олинган билимларни тартибга солиш.

Асосий тушунчалар қуйидагилар: аспект билан предмет, ҳодиса ва тушунча текширилади;

афзаллик - бирор нарса билан қиёслангандаги устунлик ёки имтиёз;  
фазилат - ижобий сифат;

нуқсон - номукамаллик, қоидаларга, мезонларга номувофиқлик; хулоса - муайян бир фикрга, мантиқий қоидалар бўйича далилдан натижага келиш

### **63. “ФСМУ” - ФИКР - САБАБ - МАСАЛА - УМУМЛАШТИРИШ -**

Ўтилган мавзулар, машғулотлар, илм, кўникма ва малакаларни мустақамлаш, фикр алмашиш, баҳолаш ва яқун яшашга йўналтирилган:

«Ф»: фикрингизни баён этинг;

«С»; фикрингизни баёнига бирон сабаб кўрсатинг;

«М»; кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг;

«У»: фикрингизни умумлаштиринг.

**64. “Скарабей”** «Скарабей» интерактив метод бўлиб, у ўқувчиларда фикрий боғлиқлик, мантиқ, хотиранинг ривожланишига имконият яратади, қандайдир муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Мазкур технология ўқувчиларга мустақил равишда билимнинг сифати ва савиясини холис баҳолаш, ўрганилаётган мавзу ҳақидаги тушунча ва тасаввурларни аниқлаш имконини беради. у, айни



пайтда, турли ғояларни ифодалаш ҳамда улар орасидаги боғлиқликларни аниқлашга имкон яратади.

«Скарабей» технологияси хар томонлама бўлиб, ундан ўқув материалининг турли босқичларини ўрганишда фойдаланилади:

бошида - ўқув фаолиятини рағбатлантириш сифатида;

мавзуни ўрганиш жараёнида - унинг моҳияти, тузилиши ва мазмунини белгилаш;

улар орасидаги асосий қисмлар, тушунчалар, алоқалар характерини аниқлаш;

мавзуни янада чуқурроқ ўрганиш, янги жиҳатларини кўрсатиш;

охирида - олинган билимларни мустаҳкамлаш ва яқунлаш мақсадида.

«скарабей» технологияси ўқувчилар томонидан осон қабул қилинади, чунки у фаолиятнинг фикрлаш, билиш хусусиятлари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. у ўқувчилар тажрибасидан фойдаланишни кўзда тутаяди, рефлексив кузатишларни амалга оширади, фаол ижодий излаш ва фикрий тажриба ўтказиш имкониятларига эга.

мазкур технологиянинг айрим афзалликлари сифатида идрок қилишни енгиллаштирувчи чизма шакллардан фойдаланишни кўрсатиш мумкин.

«скарабей» алоҳида ишларда, кичик гуруҳларда ҳамда ўқув жамоаларида қўлланиши мумкин.

**65. “Бумеранг”** Мазкур метод бир машғулот давомида ўқув материалини чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. у турли мазмун ва характерга (муаммоли, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига огзаки ва ёзма иш шаклларини камраб олади ҳамда бир машғулот давомида хар бир иштирокчининг турли топширикларни бажариши, навбат билан ўқувчи ёки ўқитувчи ролида чиқиши мумкин. «бумеранг» технологияси танқидий фикрлаш, мантиқни шакллантиришга

имконият яратади; хотирани, ғояларни, фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Таълим билан бир қаторда мазкур метод тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

-жамоа билан ишлаш маҳорати; муомалалик; хушфёзлик; кўникувчанлик; ўзга фикрига ҳурмат; фаоллик; раҳбарлик сифатларини шакллантириш; ишга ижодий ёндашиш; ўз фаолиятининг самарали бўлишига кизиқиш; ўзини холис баҳолаш.

Асосий тушунчалар куйидагилар:

очик саволлар - бу саволлар муомала, сўзлашувни давом эттиришга имкон беради. уларга қисқа, бир хил жавоб бериш мумкин эмас.

ёпиқ саволлар - бу саволлар олдиндан «ха» ёки «йўқ» типдаги тўғри, очик, жавобларни беришни кўзда туттади.

кўндаланг сўроқ - бир-бирига гуруҳлаб берилувчи қисқа саволлар қатори бўлиб, бу ўзига хос ахборотлар излаш

ҳамда далилларни, оппонентлар позициясини аниқлаш ва муайян қарорлар қабул қилиш учун ажойибимкониятдир.

кўндаланг сўроқ пайтида мунозарага киришиш мумкин эмас. бу вақтда фақат саволлар берилади, мунозарага киришилмайди.

**66. “Резюме”** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади. Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади.

Бу технология умумий мавзунинг айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг, ҳар бир қанташувчининг, гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

Бу технология мавзуни ўрганишнинг турли босқичларида қўлланилиши мумкин: бошида: ўз билимларини эркин фаоллаштириш;

мавзуни ўрганиш жараёнида: унинг асосларини чуқур фаҳмлаш ва англаб етиш; якунлаш босқичида: олинган билимларни тартибга солиш.

Асосий тушунчалар қуйидагилар: аспект билан предмет, ҳодиса, тушунча текширилади; афзаллик - бирор нарса билан қиёслангандаги устунлик, имтиёз; фазилат - ижобий сифат; нуқсон - номукамаллик, қоидаларга, мезонларга номувофиқлик; хулоса - муайян бир фикрга, мантиқий қоидалар бўйича далилдан натижага келиш; таълимдан ташқари

«Резюме» технологияси тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради; жамоа, гуруҳларда ишлаш маҳорати; муаммолар, вазиятларни турли нуқтаи назардан муҳокама қилиш маҳорати; муросали қарорларни топа олиш маҳорати; ўзгалар фикрига ҳурмат; - хушмуомалалик; ишга ижодий ёндашиш; фаоллик; муаммога диққатини жамлай олиш маҳорати.

### **III. BOB. Ijodiy faoliyatni shakllantirishga qaratilgan o`quv topshiriqlarining metodik ta'minotini takomillashtirish**

#### **3.1 Xorijiy ta'lim texnologiyalari asosida ijodiy faoliyatni takomillashtirishga qaratilgan noan'anviy metodlarining ahamiyati**

Talabalarga jahon standartlari darajasida bilim berish maqsadida ishimizda ilg'or xorijiy tajribalardan foydalanishga harakat qildik. Til ta'limida ona tilini o`qitish metodlari: an'anaviy va noan'anaviy ta'lim metodlarini o`rgatishda sinektika modeli asosida topshiriqlar ishlab chiqildi. Bu metod talabalarga muammoning unsurларини ифодалашга, ижоднинг бош мақсадини ажратиб олишга, турли хил характердаги вазифаларни ечишнинг ҳар хил нусхаларини излашга ёрдам беради. Метод 1960 йилда АҚШда У.Гордон томонидан ишлаб чиқилган.

Sinektika – ijodkorona o‘ylash modeli bo‘lib, ko‘rinishidan turlicha bo‘lgan hodisa va predmetlarni o‘zaro bog‘liklikda o‘rganish hisoblanadi. Uning asosiy vositasi analog yoki metafora bo‘lib, bu model kichik guruxlarda biror muammoga echim topishda kreativ javoblar topishning takomillashtirilishiga imkon beradi. Bunda yangi ma’lumotga ega bo‘linadi, yangi echim topish uchun motivatsiya xosil qilinadi, muammoning turli sabablari kashf qilinadi. Bu usul uning foydalanuvchilariga miyada mavjud turli “qoliplar”dan chiqishga va mavhum tushunchalarni ham anglashga yordam beradi. Sinektika modelidan an’anaviy modellardan zerikkan barcha yoshdagi hamda barcha soha vakillari tomonidan foydalanishi mumkin.

Sinektika talabalarning ijodkorligi faollashtiruvchi instruktiv model, u talabalarga eski fikrlarni yangicha yo‘l bilan bir necha hodisalar bilan bog‘lashga turtki beradi. Garchi ba’zi talabalar boshqalariga nisbatan ijodkorroq bo‘lsalar ham, sinektika modeli har bir talabada “creative thinker” - “ijodkor o‘ylovchi, ijodiy fikrlovchi”ni uyg‘ota oladi. Bu modelda velosipedni qayta ixtiro qilish haqida emas, biz bilgan narsalarni metaforik usul bilan izoxlaydi. Bu model, odatda, “It’s one big brainstorming party!” (miyada katta zakovat xujumi kechasi) izoxi orqali ifodalanadi va bu kichik guruhlarda yoki yakka holda talabalarning ijodkorona va quvnoqlik bilan yangi bilimlar olishiga yordam beradi.

Modelning afzalliklari:

- chuqur o‘ylash;
- eski narsalardan yangi perspektiva hosil qila olish;
- diologlar.

Modelni amalga oshirish shakli:

**1. Bevosita analog (Direct Analogy)** – o‘qituvchi muayyan tushunchani boshqa tushunchaga bilan tenglashtiradi (“Learning is a circus.” – O‘rganish bu sirkdir) va talabalardan bu ikki tushunchaning xarakterli xususiyatini yoritish so‘raladi va bu ikki tushunchaning o‘xshash jihatlari aniqlanadi.

**2. SHaxsiy analoglar (Personal Analogy)** – bunda ba’zi talabalarning tortishuvi kuzatiladi. Ularda ob’ekt va uning analogiga oid fikrlar uyg‘ongan fikr

aytiladi. (“Learning – I feel shunned and very unappreciated at times.” Circus– “I feel excited because I’m the life of the party!” – O‘rganish –o‘zimni olib qochgandek his qilaman va hozirda qadrsiz; Sirk – o‘zimni rohatda sezaman, chunki shu kechaning hayotiman). Bu jarayonda sinfda yuzaga keluvchi baxslar ham foydalidir.

3. Analog qarama-qarshilik (**Analog Contrast**) – talabalar muayyan ob’ekt va uning analogini o‘zaro qiyoslaydilar va zidlaydilar. Qiyoslash jarayonida talabalar turli ijodkorona va bir-biridan farqlanadigan fikrlarini bayon etadilar. (“Learning is not like a circus because it’s not always entertaining and exciting!” – O‘rganish sirkka o‘xshamaydi, chunki u har doim ham ajoyib emas).

4. Yangi analog (**New Analogy**) – talabalar o‘zlarining yangi analoglarini yakka yoki guruhli tarzda yaratishga harakat qiladilar. Bu modelning so‘nngi bosqichi bo‘lib, talabalar o‘zlari yaratgan modellarini taqdim etadilar. Bu ularda yangi analogning yuzaga kelishiga sabab bo‘ladi. (“Learning is like a box of chocolates.” – O‘rganish bir quti shokoladga o‘xshaydi).

**Ishdan maqsad:** Sinektika ijodkorona fikrlash modeli. Sinektika modelini dars jarayonida qo‘llash. Ushbu modeldan foydalanish orqali talabalarda ijodiy fikrlashni yuksaltirish.

**Masalaning qo‘yilishi:** Tinglovchi amaliy mashg‘ulotda keltirilgan vazifalarni bajarishi, tahlil qilishi va natija olishi lozim.

**Vazifa.** Muayyan ob’ekt va uning analogi deb olingan tushuncha sinektik model yordamida tahlil qilinadi.

(NAMUNA KERAK)

***Intellekt xarita yordamida ijodiy faoliyatni shakllantirish***

(NAMUNA KERAK)

### 1.3 Oquvchilarda ijodiy faoliyatni oshirishga qaratilgan metodlar